2008 ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Mustaqil gazeta

O`zingni angla!

HURRIYAT

№ 1 (563)
2008-yil
1-yanvar

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz



Шижоатга ошно қалблар

Ёшлик шундай бебаҳо фаслки, кексайганда ҳам унинг хаёли кўнгилларга шижоат бағишлаб туради. Бугунги навқирон авлод учун эса бу йил қўшалоқ байрамни туҳфа этмоқда. Ҳам Янги йил, ҳам «Ёшлар йили» муносабати билан биз баъзи фаол талабаларнинг ўй-хаёллари ила қизиқиб, уларни суҳбатга тортдик.

➪ 2-бет

Мехикода 800 йиллик пирамида!

Мехико шаҳри марказида XII-XIII асрларга оид пирамида топилди. Ацтеклар давлати даврида бунёд этилган обида шаҳарнинг энг юқори нуқтасида Уч маданият майдонида қад ростлаган. Янги топилган пирамида мазкур давлат тарихи бир неча юз йил қадимийроқ эканини тасдиқламоқда.

➪ 5-бет

Пиримқул Қодиров: «Асарларимни меҳр билан ёзаман»

— Бобурдан бошлаганим тўғри бўлган экан, деб ўйлайман. Чунки Амир Темур тажрибасини энг чуқур ўрганган ва давом эттирган темурийзода менимча Бобурдир. Бобурнинг ўзи бутун ҳаёти давомида Амир Темурнинг тузукларидаги пурмаъно сўзлардан жуда кўп ибрат олган.

➪ 8-бет

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!
Азизларим!

Аввалambор, барчангизни, бутун Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги — 2008 йил билан чин қалбимдан табриклайман.

Мана шу дақиқаларда якунига етиб бораётган 2007 йилни кузатар эканмиз, йил давомида бошимиздан кечирган қувончли ва ташвишли кунларни, эл-юртимиз ҳаётидаги муҳим ва унутилмас воқеаларни беихтиёр эслашимиз табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, ўтаётган йилда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига мамлакатимизнинг тараққиётини юксалтириш, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш йўлида кўлга киритган ютуқ ва марраларимиз, бунёдкорлик ишларимиз Ватанимизнинг куч-қудратини ошириш, юртимизни янада обод этиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш борасида катта қадам бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бунинг тасдиғини 2007 йилда республикамизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 9,5 фоизга, саноат 12,1, қишлоқ хўжалиги 6,1 фоизга ўсгани, экспорт салоҳияти 1,4 баробардан, олтин-валюта захираларимиз 50 фоиздан зиёд кўпайгани, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг реал миқдори эса 40 фоизга ортгани мисолида кўриш мумкин. Айни шу пайтда инфляция, яъни нарх-наво даражаси 6,8 фоиздан ошмагани эътиборга сазовордир.

Ҳаётимизнинг барча соҳа ва жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва самарасини ошириш мақсадида катта аҳамиятга эга бўлган кўпгина қонун ва қонунчилик нормаларини қабул қилганимизни, улар бугунги кунда муваффақият билан жорий этилаётганини қайд этиш зарур, албатта.

"Ижтимоий ҳимоя йили" деб ном олган 2007 йилда ёрдамга муҳтож бўлган инсонлар ва оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш бўйича инсонпарварлик руҳида амалга оширган савобли ишларимиз бутун мамлакатимизни қамраб олган умуммиллий ҳаракатга айланди.

Биз буни халқимизнинг онгу тафаккури, маънавий олами тобора юксалиб бораётгани, диёримизда меҳр-оқибат, саховат ва мурувват туйғулари ҳукм сураётганининг яна бир тасдиғи деб қабул қиламиз.

Бугун якунига етиб бораётган йилга холисона баҳо берар эканмиз, ҳақиқатан ҳам, босиб ўтган йўлимиз ва қўлга киритган марраларимиз бизни эртанги кунга кўтаринки руҳ ва катта ишонч билан қараш учун замин туғдиради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ижобий ўзгаришлар, Ватанимизнинг янада равнақ топишида барчамиз, шу мўътабар заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар қайси инсон бу ютуқларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб яшашга ҳақлидир.

Муҳтарам дўстлар!

Юртимизда куни кеча бўлиб ўтган, ҳаммамиз учун катта сиёсий синов бўлган Президент сайлови Ўзбекистонда эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқларини устун қўядиган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида катта мактаб ва янги босқич бўлди.

Ҳеч шубҳасиз, холислик, очиқлик ва ҳаққонийлик руҳида ўтган бу сайлов халқимизни янада жипслаштириб, унинг сиёсий ва ҳуқуқий билими, маданияти тобора ошиб бораётганини, эркин овоз берган ҳар қайси фуқаронинг орзу-умидлари ва келажакка ишонч билан қарашини яққол намоён этди ва ҳаётимизда чиндан ҳам тарихий бир воқеага айланди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сайловчиларимиз томонидан менга кўрсатилган юксак ишонч учун чин қалбимдан, юрагимдан самимий миннатдорчилик билдираман ва халқимга чуқур таъзим қиламан.

Мен учун сиз, азизларга, бутун Ўзбекистон халқига умрбод садоқат билан хизмат қилишдан бошқа мақсад ҳам, ҳаёт ҳам йўқ, десам, кўнглимдаги, дилимдаги гапни айтган бўламан.

Қадрли дўстларим, биродарларим!

Гўзал диёримизга янги — 2008 йил кириб келишига саноқли дамлар қолган мана шу унутилмас ва ҳаяжонли дақиқаларда ҳар қайси инсон ўз қалбининг тўрида асраб келаётган энг эзгу истаклар рўёбга чиқишини, ўзига, оиласи ва фарзандларига эсон-омонлик, элу юртига тинчлик, тўкинлик ато этишини, омад ёр бўлишини ният қилади.

Мен ҳам сиз, азиз ҳамюртларимнинг ана шундай олижаноб орзу-умидларига тилакдош бўлиб, уларнинг ижобат бўлишини Яратганимиздан сўрайман.

Келгуси йилда олиб бораётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва самарасини ошириш, республикамизга инвестициялар ва замонавий технологияларни олиб кириш ҳисобидан давлатимизнинг куч-қудрати ва иқтисодиётини янада юксалтириш, халқимизнинг фаровонлигини ошириш, унинг тинч ва осуда ҳаётини асраш, тараққиётимизнинг таянчи бўлмиш кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун зарур имконият ва имтиёзлар яратиш, одамларнинг ўз меҳнати натижасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган вазифалар эътиборимиз марказида бўлади.

Шу борада меҳнатчиларимизнинг иш ҳақи миқдорини 2007-2009 йилларда камида 2 баробар кўпайтириш бўйича белгилаб олган вазифамиздан келиб чиққан ҳолда, янги йилда ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш ҳам бизнинг устувор мақсадимизга киради.

Ўз олдимизга қўйган юксак марраларга етишда бизнинг ишончимиз ва суянчимиз бўлган жондан азиз фарзандларимизга янада кенгроқ йўл очиб бериш ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этаётганини бугунги кунда барчамиз чуқур ҳис этмоқдамиз.

Айни шу мақсадларни амалга ошириш йўлида, яъни ёшларимизни ҳақиқатан ҳам бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айлантириш, уларнинг жамиятимизда муносиб ва мустаҳкам ўрин олишига пойдевор яратиш учун янги — 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилганимизни, бунинг аҳамияти ва моҳиятини, ўйлайманки, халқимиз, жамоатчилигимиз яхши англаб олмоқда.

Бир сўз билан айтганда, янги йилдаги барча мақсад ва режаларимиз халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, юртимизни гўзал ва фаровон, ҳаётимизни янада файзу баракали этишга хизмат қилади, иншоолло.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Барчангизни кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор самимий табриклайман.

Янги йилда ҳар бир юртдошимизга соғлиқ-саломатлик, бахту саодат, ҳар бир оилага яхшилик ва қут-барака олиб келсин.

Ватанимиз тинч, халқимиз ҳамиша омон бўлсин.

Парвардигор эл-юртимизни ўз паноҳида сақласин.

Янги йилингиз муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Мамлакатимизда ҳар бир йилни маълум рамзий ном билан аташ гўзал анъанага айланган. Ана шу анъанага содиқ қолган ҳолда, муҳтарам Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2008 йил "Ёшлар йили" деб эълон қилинди. Навқирон авлодга кўрсатилган юксак эътибор ва ишонч ифодаси бўлган ушбу ташаббус мамлакатимиз ёшларига кўтаринки руҳ бағишлади.

2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши халқимиз манфаатларига тўла мос келадиган ва ўз вақтида қўйилган қадамдир. Негаки, мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан ислоҳотлар ва эзгу амалларнинг бардавомлиги ёшларимизнинг ақлу тафаккури, маънавий салоҳияти ва билим савиясига бевосита боғлиқ. Айни пайтда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки аҳолининг 64 фоизини ташкил этади. Айтиш керакки, аҳоли таркибида ёшлар миқдорининг бу қадар кўплиги дунё мамлакатларида камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Ҳозирда жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатлари қариш муаммосига дуч келмоқда. Юртимиз аҳолисининг асосий қисми ёшлардан иборат эканлиги эса ёркин келажакка бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичида мамлакатни янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизация қилиш сингари улуғвор мақсадларни кўзлар экан, мазкур кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарияти юртнинг келажаги ва эгаси бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг илм олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари, билим ва кўникмаларини амалда намоён этишлари учун шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратмоқда. Янги йилнинг "Ёшлар йили" дея эълон қилиниши шубҳасиз бу борада истиқлол йилларида олиб борилаётган эзгу ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Аслида ҳозирга қадар барча йилларга ном берилишида ёшларнинг манфаатлари, уларнинг қизиқишларига алоҳида эътибор қаратилганини кўриш мумкин. Масалан, "Соғлом авлод йили"ни оласизми, "Сиҳат- саломатлик йили"ни оламизми, уларнинг замирида соғлом авлод, баркамол ёшларни тарбиялаш ғояси ётади.

2008 йил — «Ёшлар йили»

Эътибор ва ишонч ифодаси

Мазкур эзгу ғоялар ёшларга, уларнинг ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлароқ очишга кенг имкониятлар очишга қаратилган тизимли, кенг қамровли саъй-ҳаракатларда ўз ифодасини топди.

1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида ўтган 10 йил давомида 1 минг 140 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 5 мингга яқин умумтаълим мактаблари қурилди ва таъмирланди. Ўтган йиллар давомида таълим йўналишига 5 миллиард АҚШ долларидан ортиқроқ маблағ йўналтирилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларни соғлом тарзда камол топтиришнинг яхлит ва мукаммал тизимига асос солинди. Хусусан, уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақаларининг ташкил этилиши катта воқеа бўлди. Юксак ташкилий савияси, миқёси ва ёшларни қамраб олиши билан халқаро миқёсда эътироф этилган ушбу тизим дунёнинг ҳеч бир давлатида учрамайди.

Шу тариқа мамлакатимизда ёшларнинг мунтазам, узлуксиз равишда спорт билан шуғулланиши учун катта имкониятлар яратилди.

Давоми 2-бетда.

Фахр

Дунё мусулмонларининг буюк анжумани — муборак ҳаж зиёратида иштирок этаётган ўзбекистонлик ҳожилар, юртимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг намунали тарзда, адолатли ўтганлигидан ҳамда ватандошларимиз энг муносиб номзодни сайлаганидан бошимиз осмонга етди.

Маккаи мукаррамадан мактуб

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг натижаларига кўра Юртбошимиз Ислом Каримов учун сайловда қатнашган сайловчилар умумий сонининг 88,1 фоизи ёки 13 миллион 8 минг 357 нафар киши овоз берилганлиги ҳақидаги хабардан барча ҳожилар ниҳоятда хурсанд бўлишди. Ҳаммамизнинг руҳимизга руҳ, кучимизга куч қўшилди, қаддимиз янада ростланди, қадамларимиз шаҳдамлашди.

Бўлиб ўтган сайлов чиндан ҳам тарихий воқеадир. Чунки ана шу сайлов элимизнинг чинакам хоҳиш-иродасини ифода этганлиги ҳамда мамлакатимизнинг янги тарихи, демократик ҳуқуқий давлат, кучли адолатли жамиятни барпо этишга қўйилган қутлуғ қадам ҳисобланади.

Зеро, Ватанимиз тинч, халқимиз йилдан-йилга фаровон турмуш кечирмоқда.

Қолаверса, биз ҳожиларнинг Саудия Арабистонига келишимиз, бу ерда муҳташам меҳмонхоналарда яшаб, ҳаж амалларини, барча ибодатларни ўз вақтида бажаришимиз учун катта имкониятлар яратиб берилгани учун ҳам мамлакатимиз раҳбариятига чексиз миннатдорчилик билдирамиз. Зеро, халқ тақдирини, мамлакат келажагини ўйлаган шундай улуғ режа ва ташвишлар билан яшаган раҳбарни Парвардигорнинг ўзи қўллайди, эл-юрт бошига кўтаради.

Саудия Арабистонининг Маккаи мукаррама шаҳридан ўзбекистонлик ҳожилар номидан:

Пўлат ҚОРАЕВ, Пўлат ГАДОЕВ, Гулчеҳра ПИРИМҚУЛОВА ва бошқалар.
(Жами 32 имзо)

Хушхабарлар

● Наманганда Тинчлик майдони очилди. Президентимиз Ислом Каримов таклифига биноан барпо этилган қарийб уч гектарлик майдоннинг марказида тинчлик, бахт-саодат ва халқимизнинг фаровонликка интилишини акс эттирувчи ўзига хос ҳайкалтарошлик композицияси ўрнатилган. Уни яратишда лойиҳа бош меъмори Умрзоқ Раҳимов кўпроқ халқ безак санъатидан фойдаланган.

● Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейида Элен Кувер француз пианиночиларининг фортопиано концерти ташкил этилди.

Элен Кувер Париж Миллий Консерваториясининг олий мусиқа курсида таҳсил олган. У кўплаб халқаро мусиқа фестивалларида қатнашиб ғолиб бўлган.

Шунингдек, тадбирда француз пианиночилари билан лицей ўқувчилари ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйиш мақсадида ижодий кеча уюштирилди.



● Якунланган 2007 йил декабр ойининг якунида Ўзбек Миллий академик драма театрида драматург Зулхумор Солиеванинг "Бевалар" номли спектакли премьераси бўлиб ўтди. Ушбу тақдим этилган янги спектакл режиссёри Мунаввара Абдуллаева. Спектаклда бева аёл Раънонинг ҳаёти ва турмуш тарзи акс эттирилган.

Дилафрўз ТЎРАҚУЛОВА

Ҳамкасбимизни қутлаймиз!

2007 йилнинг сўнгги кунларида матбуотда Республика Президентининг 2007-2008 ўқув йили Давлат стипендиатларига муносиб деб топилган ёшларнинг номлари эълон қилинди. Энг қувончлиси, унда жамоамизнинг иқтидорли аъзоси, ҳуқуқ ва сиёсат бўлими мудири Собиржон Ёқубовнинг ҳам борлигидан чексиз фахрландик.

Таълимнинг магистратура йўналишида журналистика таълим мутахассисликлари бўйича Президент стипендиати деган шарафли номга сазовор бўлган ҳамкасбимиз Собиржон 2001 йил апрель ойида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Ўзбекистон тарихи" фани бўйича ўтказилган республика олимпиадасида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, 2003 йилнинг май ойида "Журналистика" йўналишида ўтказилган республика олимпиадасида биринчи ўринга лойиқ деб топилган эди. 2003 йилда эса у Навоий номидаги Республика Давлат стипендияси совриндори бўлди.

Иқтидорли ёш жамоадошимизнинг шу пайтгача илмий тўпламлар ва журналларда журналистика назарияси масалаларига бағишланган 20 га яқин ҳамда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва халқаро мавзулардаги 150 дан зиёд мақолалари эълон қилинган.

Биз "Ҳуррият" чилар Собиржон Ёқубовга сиҳат-саломатлик, бахт-иқбол тилаймиз. Янги 2008 йил – "Ёшлар йили"да унга янада ижодий баркамоллик ҳамда янгидан-янги улкан зафарлар истаб қоламиз.

Тилак

Нурли имкониятлар

Анора МАҲМУДОВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-мактаб директори:

— Ўтган йилдан кўнглимда фақат ёруғликлар қолди. Бу «Ижтимоий ҳимоя йили» деб аталган йилда юртдошларимизга яратилган бир қатор меҳр-мурувват, ғамхўрлик ва қулайликларда ўз ифодасини топди. Қолаверса, бу ёруғлик – Ўзбекистонимизнинг бошига мангу бўлиб қўнган бахтда ҳамда Ислом Каримовнинг халқимиз томонидан сайланиши ва орзуларимизнинг рўёбида намоён бўлаяпти.

«Ёшлар йили»да эзгуликларнинг эгизак бўлишини истайман. Улар учун қутлуғ имкониятлар эшиги очилиши шубҳасиз. Ўзбекистоннинг мард ўғлонлари, жасоратли, билимдон қизлари жаҳон ареналарида туриб мустақил юртимизнинг байроғини дадил кўтарадилар. Мен бунга ишонаман.

Ёш навқирон мамлакатимиз янги йилда янада юксалади. Юртимиз шуҳрати тобора ўсиб бораверсин.

Барча ватандошларимизга ва албатта, «Ҳуррият» ижодий жамоасига ҳам 2008 йилда омад ва фақат омад тилайман. Хонадонларимиз бунданда фаровон, дастурхонларимиз тўкин, тинчлигимиз боқий, мустақиллигимиз абадий бўлсин.

Янги йилда қутлуғ қувончлар ёр бўлсин!

O'zingni angla!
Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Навқирон авлод

Шижоатга ошно қалблар

Ёшлик шундай бебаҳо фаслки, кексайганда ҳам унинг хаёли кўнгилларга шижоат бағишлаб туради. Бугунги навқирон авлод учун эса бу йил қўшалоқ байрамни туҳфа этмоқда. Ҳам Янги йил, ҳам «Ёшлар йили» муносабати билан биз баъзи фаол талабаларнинг ўй-хаёллари ила қизиқиб, уларни суҳбатга тортдик.

Шоҳруҳ Долиев ҳақида эшитганимдан сўнг у таҳсил олаётган олийгоҳга бордим. Айни пайтда қишки таътил бўлгани учунми талабаларни учратиш имкони бўлмади. "Иқтидорли талабалар билан ишлаш" бўлимига мурожаат қилиб қаҳрамонимиз ҳақида баъзи маълумотларни олдим.

Гоҳ кутубхонада, гоҳ лабораторияда ўтказиш хоналаридан бирида, гоҳ илмий раҳбари билан суҳбатда бўладиган Шоҳруҳни отаси физика-математика фанлари номзоди, доцент Ҳожиакбар Долиевдан суриштириб ҳам қаерда эканлигини аниқлай олмадик. Қўл телефонига қўнғироқ қилганимдан кейин эса уч кун унинг бўш вақтини кутишга тўғри келди. Бу даражада вақти тиғиз инсон кимлигига қизиқаётгандирсиз. У баркамол келажак сари шошилиб қадам ташлаётган бугунги ёшлардан, десак муболаға бўлмаса керак.

Шоҳруҳ Долиев айни пайтда ЎзМУ физика факультети магистранти. Илмий ишлари Москва, Новосибирск, Екатеринбург, Санкт-Петербург шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманлар тўпламларида чоп этилган. У 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига сазовор бўлди. Яқинда эса мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Ниҳоят, у билан кўришиб янги йил режалари ҳақида суҳбатлашишга улгурдик.

— 2007 йил мен учун машаққатли ва ўз навбатида жуда омадли йил бўлди. 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилингани эса янги йилда амалга оширмоқчи бўлган ишларим учун ҳозирданоқ маънавий руҳ бағишлаб турибди. Келаётган йилда магистрлик ишимни якунлаб, номзодлик диссертациясини ёқлаш ниятидаман. Мен тенгдошларимни ҳам Янги йил билан, ҳам бу йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилингани билан табрикламоқчиман. Янги йил ҳаммамизга муваффақиятли келсин!

Фарғона водийсининг гўзал Рапқон қишлоғида улғайган **Умида Узоқова** бугун ўзига хос дунёқараши билан Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабалари орасида ўз ўрнига эга.

— Дон Кихотни яхши кўраман, — дейди Умида суҳбатимиз давомида, — чунки ёзувчи биргина шу қаҳрамон мисолида бутун инсониятнинг тақдирини ёрита олган".

Умида Узоқова яқинда "Ўзбекистон маданияти ва санъати" форуми "Меҳр нури" жамғармаси билан ҳамкорликда таъсис этган "Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури"нинг журналистика йўналиши бўйича ғолиби бўлди. Уни бу муваффақияти билан табриклаб, янги йилдаги орзу-истаклари билан қизиқдик.

— Ҳар қандай инсон ҳам меҳрга, одамийликка ташна бўлади. Айниқса, ёшларнинг ҳаёт йўли қанчалик мунаввар бўлиши кўпинча атрофдагиларга боғлиқ. Юртимизда ёшларга бўлган эътибор катта. Янги йилда эса шу эътиборнинг янада кучайиши бизга қувонч бериши билан бирга масъулият ҳиссини чуқурроқ ҳис қилишга ундайди. Энг асосийси, бу йилда ҳам ота-онамиз, элимизнинг юзини ёруғ қилиб юриш барчамизга насиб этсин.

«Қизлар давраси» телекўрсатуви орқали кўпчиликка таниш бўлган **Камола Эрматова**ни айни пайтда байрам тадбирларидан боши чиқмай қолди. Қалами бор ижодкор, ширали овоз соҳибаси, қолаверса, ўзбек миллий қўшиқларига қойилмақом тарзда рақсга тушадиган Камолахон Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида таҳсил олади. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига сазовор бўлди. У ҳозирда чет тилларини пухта ўрганиб дунё халқлари маданиятидан чуқурроқ хабардор бўлиш ҳаракатида экан. Камолахон билан интернет орқали суҳбатлашдик.

– Ўзбек халқи бирон бир ниятини тилга олганда сўзни «Худо хоҳласа» деб бошлайди. Мен ҳам насиб этса, бу йилда кўплаб яхши амалларни режалаштирганман. Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон халқини, хусусан ёшларимизни Янги 2008 йил билан муборакбод этаман.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
«Ҳуррият» мухбири.

Мана, яна бир йил поёнига етиб, янги йилга қадам қўйдик. Ушбу янги Сичқон мучали йили кимга қандай муждаларни ҳадя этади? Албатта, йилнинг йилдан фарқи бор. Хўш, бизни Сичқон мучалида нималар кутяпти? Мунажжимлар бу борада қандай башорат қилишмоқда?

Сиз кутган мужда

Сичқон йили соҳиблари табиатан топқир, ақлли, кузатувчан, ҳаракатчан ҳамда жамоага тез киришувчандирлар. Аммо шундай бўлса-да, уларни тушуниш, улар кўнглига йўл топиш осон кечмайди. Боиси улар инжиқ, қарама-қарши фикрга эга кишилар сирасига киради.

Сичқон йили (1912, 1924, 1948, 1960, 1972, 1984, 1996, 2008 йиллар) вакиллари қандай юмушга қўл урмасинлар, уларни албатта тартиб билан ҳамда маромига етказиб адо этадилар.

Мазкур мучал эгалари одатда бир қарашда хотиржам ва босиқ кўринсаларда, бироқ ҳамиша қалбидаги асабийлигу тажовузкорликни яшириб туришади. Улар табиатидаги тажанглик ва жонсараклиги ҳамда қизиққонлигини билиш учун улар билан олисдан туриб мулоқотда бўлишнинг ўзи кифоя.

Шунингдек, бу йилда туғилганлар тежамкор ва бойлик йиғишга ихлосмандирлар. Ҳаётда уларнинг ҳақиқий дўстларидан кўра, таниш-билишлари кўп. Эҳтимол, шунданми, бу йилда туғилганлар ўзлари кўзлаган мақсадларига эришишлари учун ортиқча уринмайдилар. Ҳаммаси ёғдек силлиқ гўё хамирдан қил суғургандай равон кечади. Кутилмаган ютуқлар улар даромадининг ошиши, муҳим ҳаётий лойиҳаларнинг илгари силжишидан дарак беради.

Шунингдек, бу йил ўзга мучал соҳиблари учун ҳам омадли кечиши кутилмоқда. Хусусан, **Сигир** (1937,1961, 1973, 1997) мучалида туғилганлар учун ҳам бу йил омадли кечади. Янги лойиҳалар омад келтиради. Моддий жиҳатдан ўсиш кузатилиб, меҳнатлари муносиб баҳоланади. Йил давомида вужудга келадиган қийинчиликларни вазминлик билан ҳал этиб боришлари даркор.

Йўлбарс (1938, 1962, 1974, 1998)лар учун бу йил одатдагидан ўзгача кечади. Моддий танг вазиятга тушиб қолмасликлари учун олдиндан ҳисоб-китоб билан иш тутишларига тўғри келади. Уларнинг аксарияти ҳаётда ўз ўринларини топсалар, баъзилари турли тўсиқларни енгиб ўтишларига тўғри келади.

Куён (1951, 1963, 1987, 1999) мучалида туғилганларни 2008 йилда шериклар, яқин кишилар билан ўртадаги нотўғри муносабатлар бироз шошириб қўяди. Улар амалга оширишлари лозим бўлган ишлар кўламини янада кенгайтиришлари учун имконият туғилади. Айримларининг хорижий сафарга чиқишларининг эҳтимоли бор.

Балиқ (1952, 1964, 1988, 2000)ларга севги бобида омад кулиб боқади. Бу йил уларга бутун йил давомида ҳаяжонли, бахтли онларни ҳадя этади. Ишларингиз олға силжиса-да, аммо айрим шерикларингиз ишингизни бироз орқага тортиб, дилхираликни юзага келтиради. Феъл-атворингизни ҳам ўзгартиришингизга тўғри келади.

Илон (1965, 1977, 2001) мучалида туғилганлар учун йил бир текис ўтади, деб бўлмайди. Шу боис мазкур йилда ҳар бир ишни пухта режа асосида олиб борсалар, юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсизликлардан холи бўладилар. Пул, моддий маблағ масаласида эса йил жуда омадли келади. Эҳтиёжингиз учун зарур бўлган барча харидларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

От (1942, 1954, 1990, 2002) мучалида туғилганлар 2008 йилда кўпгина чўққиларни забт этадилар. Аммо шундай бўлса-да, нопок шериклар билан ҳамкорлик қилишдан қочинг. Иложи бўлса бу йилда иш жойингизни ўзгартирмаганингиз маъқул.

Қўй (1943, 1955, 1991, 2003) мучали эгалари ушбу йилда кўпроқ таваккал қилишларга тўғри келади. Қолаверса, бутун йил давомида атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга адолат билан ёндошмоқлари зарур.

Маймун (1944, 1956, 1968, 1992)ларни йил давомида тушкунлик ҳисси қамраб олади. Бунга кўпроқ ўзлари сабабчи бўлиб қоладилар. Турли миш-миш, ғийбатларга эътибор бермаганингиз маъқул. Зиммаларига юклатилган вазифаларга енгил-елпи ёндошишлари уларга қимматга тушади.

Товуқ (1945, 1957, 1993, 2005) 2008 йилда молийвий аҳволингиз бир маромга келади. Аммо шундай бўлсада, қаттиқ ишлашингизга ҳам тўғри келади. Мазкур йилда мавқеингиз ошиб, шунга яраша даромадингиз ҳам ортади. Йил охирига бориб, ортиқча харажатлар қилишлари кутилмоқда.

Ит (1946, 1970, 1982, 2006). Ушбу йилда яхшигина маблағга эга бўласиз. Йил давомида айрим мураккаб вазиятларга тушиб қолишингизнинг эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Шундай вазиятларга дуч келсангиз, айбдорни топишга уринманг. Атрофингизга масъулиятни ҳис этадиган ишончли шерикларни тўплаганингиз маъқул.

Тўнғиз (1947, 1971, 1995, 2007) Сизнинг соддалигингиздан фойдаланиб чув туширишга ҳаракат қилишади. Майда-чуйда ишларга ўралашиб қолишдан наф йўқ. Яхшиси улкан режалар устида бош қотиринг. Тижоратчиларни айрим омадсизликлар кутмоқда. Ижод аҳли учун эса йил самарали кечади.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА
тайёрлади.

Муносабат

Истиқлол ва ёшлар. Бир қарашда бу тушунчалар оддий кўринса-да, лекин унинг мазмун-моҳияти жуда катта. Истиқлол — бу тенглик, ўзаро ҳурмат, инсоний қадр-қиммат, эркин дунёқараш ва тафаккур, табиатан онгли яшаш мезони. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз ёшлари ана шу имкониятларга эга бўлишди.

Бир олам орзу билан

2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши эса ўғил-қизларимиз таълим-тарбияси, ижтимоий ҳимояси йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларимизнинг мантиқий давоми бўлди.

— Мустақиллик йилларида ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг биринчи проректори, тарих фанлари номзоди, доцент Абдуқаюм Абдуқодиров. — Ана шу ишларни изчил давом эттириш, ҳатто янги поғонага кўтариш, ёшларни ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида юртимизда 2008 йилни "Ёшлар йили" деб эълон қилинганини халқимиз зўр мамнуният билан эътироф этмоқда.

Ҳаётда бир ҳақиқат мавжуд: маънан бой, ғоявий жиҳатдан етук бўлган авлодгина юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши мумкин. Ана шу ҳақиқатни чуқур англаб етган профессор-ўқитувчиларимиз олти мингдан ортиқ йигит-қизга 18 та йўналиш бўйича замонавий услубда таълим-тарбия беришмоқда.

Очиғи, бугунги ёшлар бундан 10-15 йил олдинги талабалардан мақсадларининг улканлиги, орзу ва қизиқишларининг хилма-хиллиги, интилишларининг юқорилиги билан бутунлай фарқ қилишади. Ким шуни дадил айта оламанки, бугунги ёшлар ҳаётдаги муаммолардан чўчишмайди...

Ҳабиба БЎРИБОЕВА, тарих факультети 3-курс талабаси, Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори:

— 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши мени беҳад қувонтирди. Ҳатто мени янги-янги марралар сари илҳомлантирди. Энг муҳими, энди биз, ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг кўлами кенгаяди.

Бир олам янги орзулар билан мана 2008 йилга ҳам қириб келдик. Менимча, бизнинг йилимизда шу кунгача амалга оширилаётган эзгу ишлар, хайрли амаллар янги босқичга кўтарилишига ишонаман.

Ҳулкар ҲАМРОЕВА

Интервью

Байрам оқшоми = постда

Одатда халқимиз шодиёналарни оила жамулжамлигида нишонлашни яхши кўради. Байрам баҳона узоқ яқинларда юрган ёру дўстлари билан дийдорлашиш, суҳбатлашишни дилларига тугиб қўядилар. Айниқса, янги йилни кўнгилдагидек ўтказиш ниятида кўп тайёргарлик кўрилади. Журналистлар, шифокорлар, ички ишлар ходимлари ва шу сингари касб эгалари эса хизмат тақозоси билан байрам кунлари ҳам ишда бўладилар.

Яккасарой тумани ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи, майор Азамат Маметов янги йилни оила даврасида эмас, ишхонада кутган юртдошларимизнан биридир.

– Азамат ака, бугун сиз хизмат жойингизда навбатчиликдасиз. Бу — янги йилни шу ерда қаршилаяпсиз дегани... Айни пайтда кўнглингиздан не ўйлар кечяпти?

– Янги йилни иш жойида кутиб олишнинг ҳам ўзгача гашти бор. Бу ҳар кимга-да насиб этавермайди. Элимизнинг қувончли кунларининг тинч ва осойишта ўтиши кўпроқ биз – ички ишлар ходимларининг зиммасида экан, шуни ҳис этган ҳолда ҳар кунгидан кўра янада масъулиятлироқ бўлишимиз лозим. Ҳар бир байрам арафасида барча ходимлар ишга жалб этилади. Қолаверса, бугун мен туман бўйича масъулман. Байрамнинг чиройли ўтиши учун йигитларимиз билан ҳар томонлама тайёргарлик кўрганмиз.

– Тақдир тақозоси билан аввалларидан ҳам айнан 31 декабрь куни навбатчиликда бўлганмисиз?

– Соҳада 1990 йиллардан буён фаолият юритиб келаётган бўлсам, Янги йилни уйда, оила даврасида кутиб олганимни эслолмайман. Ишонинг, буни мен "қаҳрамонлик" учун айтаётганим йўқ. Нафақат Янги йилда, балки бошқа байрамларда ҳам навбатчилик қилишимизга тўғри келади. Шу ўринда кўпчиликда: «Ички ишлар ходимлари дам олмайдими?» деган савол туғилиши табиий. Улар ҳам вазиятга қараб ҳордиқ чиқарадилар. Агар милицияда ишлаётганлар байрам кунлари хизматда бўлмасалар, фуқаролар хавфсизлигини ким таъминлайди?

– Сиз доим янги йил оқшомларида хизматда бўлар экансиз. Бу нарса оилангизга, хусусан, фарзандларингизга қандай таъсир этади? Ҳар ҳолда кўни-кўшниларнинг болалари 31 декабрь куни совға олишади-ку?

– Фарзандларим бу ҳолга деярли кўникиб қолган. Лекин уларга ҳар байрамда алоҳида эътибор қаратаман. Совғани эса ўзим уларга 30 декабрда ёки ундан олдинроқ улашиб чиқишга ҳаракат қиламан.

– Янги йил байрамида қайси жиноят турлари, кўпроқ учрайди?

– Ҳаммага маълумки, байрам куни ҳамюртларимизнинг кайфиятлари аъло даражада бўлади. Байрам баҳонасида айрим кишилар ҳатто маст ҳолатда кўча-кўйга чиқадилар. Натижада бир қатор жиноятлар содир бўлиши кузатилади. Улар ён-атрофдагиларга дўқ-пўписа қилиб, пул ёки бирор буюмларини тортиб олиш пайида бўладилар. Шунингдек, аёлларимизнинг тақинчоқларини олиб қочиш, сумкасини илиб кетиш каби нохушликлар ҳам бўлиб туради. Қисқаси, байрам кунлари жиноятчиликнинг асосан безорилик ва талончилик турлари нисбатан кўпроқ учраб туради. Шу боис бундай ҳолатларга йўл қўймаслик чораларини кўрмоқдамиз.

Азим РЎЗИЕВ
ёзиб олди.

Эътибор ва ишонч ифодаси

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Айниқса, 2002 йилда қабул қилинган "Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Президент Фармони мамлакатда ёшларни спортга жалб қилиш, уларни соғлом ва баркамол тарбияланишига катта ҳисса қўшяпти. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган даврдан буён 717 та болалар спорти мажмуалари қурилгани ва таъмирлангани, ушбу мақсадда давлатимиз томонидан 104 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилгани бу борада олиб борилаётган ишлар миқёси нечоғли улкан эканини тасаввур этиш учун кифоя қилади.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин мана шу айтилган мулоҳазаларнинг ўзиёқ давлатимиз ёш авлод камолига қанчалик катта эътибор қаратаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Муҳтарам Президентимиз Конституция қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузаларида: "Ўз-ўзидан аёнки, аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат-марказида туриши шарт", — дея бу борада олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришга ундадилар. Шу муносабат билан давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида махсус давлат дастури ишлаб чиқиш заруратига эътибор қаратдилар.

Айтиш керакки, мазкур дастурнинг мукаммал ишлаб чиқилиши, унда ёшларимизни ўйлантирган, уларнинг интилишларини, орзу-истакларини чуқур қамраб олган йўналишлар ўз аксини топиши борасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бевосита манфаатдор ташкилот сифатида фаол қатнашиши, дастур қабул қилингандан кейин эса унинг самарали ҳаётга татбиқ қилиниши учун қаттиқ ишлаши талаб этилади.

Мамлакатимиздаги ёшларнинг етакчи ташкилоти бўлган "Камолот" ҳаракати ёш авлоднинг яқин кўмакчиси, таянчи ва суянчи бўлиш учун кенг миқёсдаги чора-тадбирларни олиб бормоқда. Ҳаракат таъсис этилгандаёқ мамлакатимиз раҳбари ушбу ташкилот олдида турган асосий вазифа сифатида — ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш вазифасини қўйган эдилар.

"Камолот" ҳаракати ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда фаолият юритмоқда. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида, ўқув юртларида, корхона ва ташкилотларда қарийб 17 минг бошланғич ташкилот иш олиб бормоқда, улар беш миллиондан ортиқ ёшларни бирлаштирмоқда. Бутун мамлакат миқёсида фаол иш олиб бораётган бошланғич ташкилотлар ёшларнинг кайфияти, уларнинг дунёқарашида бўлаётган ўзгаришлардан бохабар бўлиш, уларни ватанпарварлик, халқимизга, унинг анъаналарига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда яқиндан кўмак кўрсатиб келяпти.

"Камолот" ёшлар ижтимоий харакатининг доимий эътиборида турган йўналишлардан яна бири ёшлар учун иш ўринларини яратишдан иборатдир. Ҳаракат ёш тадбиркорлар билан биргаликда фермер хўжаликлари ва кичик корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш ташаббуси билан чиққан эди. Бундай корхоналар халқ орасида "Камолот" корхоналари" деб ном чиқарди. Бугунги кунда ушбу ташаббус вилоятларда анча оммалашиб улгурди. Ўтган давр мобайнида Ҳаракат иштироки билан 52 та фермер хўжалиги ва корхоналари ташкил этилди. Бу корхоналарда 656 та ишчи ўрни яратилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда "Камолот" томонидан ташкил этилаётган "Ёшлар ижтимоий хизматлари марказлари"нинг ҳам ҳиссасини таъкидлаш лозим. Бу марказлар ёшларга ўз муаммоларини ҳал қилиш, унга ечим излашни ўргатади. Уларнинг асосий ютуғи ҳам шунда. Шу билан бирга ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишда марказларнинг ҳам ўрни бор. Касб ўргатиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланадиган марказлар сони 70 дан ошган.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш Ҳаракат фаолиятида муҳим ўрин тутувчи йўналишлардан яна биридир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 995 минг 228 та ёш оила мавжуд. Улар орасида уй-жойга муҳтож оилалар сони 343 минг 690 тани ташкил этади. Айни пайтда ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларни уй-жой билан таъминлаш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда ёш оилалар учун кўпқаватли турар жой биноларини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Қурилиш ишларини олиб бориш мақсадида 37 та пудратчи ташкилот билан шартнома имзоланди.

Маълумки, Ҳаракатнинг асосий мақсадларидан бири ҳар томонлама баркамол ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни танитишдан иборатдир. Бу борадаги жорий этилган "Камолот" таълим гранти ва стипендияси талабаларнинг мукаммал билим олиши йўлида ўзига хос улуш бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, ҳарбий қисм тавсияномаси билан шартнома асосида ўқишга қабул қилинган талабалар шартнома пулининг 35 фоизи "Камолот" томонидан тўлаб берилаётганлигини ҳам таъкидлаш лозим. 2006-2007 ўқув йилида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий тавсиянома асосида тўлов-контракт бўйича олий ўқув юртларига талабаликка қабул қилинган 2731 нафар талабага 487 млн. сўмга яқин маблағ контракт тўловининг 35 фоизи моддий ёрдам тариқасида тўлаб берилди. 2007-2008 ўқув йили давомида 6 мингдан зиёд талабаларга бир ярим миллиард сўмдан зиёд шартнома пули тўлаб бериш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга йигит-қизларимизнинг олган билим ва касбини амалиётда намоён этишлари учун ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларга кўмак ва кенг имкониятлар туғдириш борасида ҳам бир қанча лойиҳалар амалга оширишни режалаштирмоқдамиз.

Муҳтарам Юртбошимиз юқорида зикр этилган маърузаларида: "Фарзандларимизга нафақат ишонч билдиришимиз, балки уларга ўзини амалда намоён этиши учун майдонни кенгайтириш керак", дея олдимизга мақсад-вазифаларни қисқа ва лўнда тарзда ифодалаб бердилар. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган талаблар асосида олиб бораётган хайрли ишларни яна давом эттиради.

Акром АЛИМОВ,
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати
Марказий Кенгаши раиси.

Байрам ҳазиллари

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевга

Бу устознинг ўз "маҳорат мактаби" бор,
Боз устига китоблар-чи? Қатор-қатор...
Дардчил сўз дер, адабиёт майдонида,
Янги номлар кашф этилар ҳар сонида.

"Халқ сўзи" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Шуҳрат Жабборовга

Адреналин меъёрига тушар қонда,
Газетасин ўқиб турсанг ҳар бир сонда...

"Гулистон" журнали бош муҳаррири Азим Суюнга

Журнал иши газетмас, бу жуда қийин,
Шунча мухлис топганингдан Азим, суюн!

"Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири Сафар Остоновга

Тиним билмай ижод қилар, таҳриридан ҳеч эринмайди.
Қиш кунлари қорлар эрир, Сафар Остон "эримайди".
Доим ишда, фарқи йўқдир на шанбаю якшанбанинг,
"Меҳнат икки кўздан иссиқ" — кўнглин олар у ҳамманинг.

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси бош муҳаррири Чори Латиповга

"Маҳалла"син ишларини қойиллатиб
Хатто "Қишлоқ ҳаёти"-ни кетди тортиб.

"Фидокор" газетаси бош муҳаррири Жалолиддин Сафоевга

Сўраб қолсанг Навоийдан бирор ғазал.
Вилоятин таърифлашни кўрар афзал...

"Туркистон" ва «Молодёжь Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Салим Ашурга

"Камолот"дай ҳомийси бор, пухта қурғур,
"Ёшлар йили" — ижодида илҳом жўшур...

"Жамият" газетаси бош муҳаррири Сирожиддин [illegible]уповга

Тушлари[illegible]
фар истаб[illegible]
туя,
Муҳарр[illegible]
шоирликда[illegible]
ку-я!

"Инсон ва қонун" газетаси бош муҳаррири Қўчқор Норқоб[illegible]ға

Ўз ҳуқуқин билмаслардан жуда безор,
Майдон талаб қилатир бугун Қўчқор.
Газетаси баъзан ундоқ, баъзан мундоқ,
Мавзуларни ёзавор... шуси чатоқ.

"Муштум" журнали ва "Афанди" газетаси бош муҳаррири в.б. Нусиржон Тошматовга

Бир йилдирки, "Афанди"нинг янги мушти
"Дилсўз" ношир жамоага зап мос тушди.

Ўзб[illegible]РИЙ ва Жаҳонгир МИРЗО ҳазиллашди.

"ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Ҳалқимизни, барча темир йўл ишчи-хизматчиларини Янги – 2008 йил байрами билан қутлайди!

Қадрли юртдошлар, "Ёшлар йили" сизларга бахт-иқбол, хонадонларингизга қут-барака, хотиржамлик ва беқиёс фаровонликлар олиб келсин.

Истаймизки, йўлларингиз ҳамиша оқ, бехатар бўлсин, эзгу ниятларингиз амалга ошаверсин.

Ҳар бирингизни қувонч ва шоду хуррамликлар ҳеч қачон тарк этмасин, азиз ватандошлар!

2008-yil 1-yanvar | O'zingni angla! Mustaqil gazeta HURRIYAT

TURON BANK

Очиқ акциядорлик тижорат «ТУРОН БАНК» жамоаси

Ўзбекистон аҳлини Янги йил билан табриклайди

2008 йил мустақил Ватанимиз тарихида улкан муваффақиятлар ва ютуқлар даври сифатида ўчмас из қолдирсин.

Мамлакатимиз равнақи йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар бардавом бўлсин. Барчамизнинг кўзлаган эзгу мақсадларимиз тўла-тўкис рўёбга чиқаверсин.

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ КУТЛУҒ БЎЛСИН

TURON BANK

«Турон банк» — Сиз билан, Сиз учун!

"Денов нефтмаҳсулотлари" унитар корхонаси жамоаси

халқимизни янги йил айёми билан қутлайди.

Барча-барчага бахт ва омад, сиҳат-саломатлик, хонадонларига қут-барака тилаймиз.

Самарқанд вилояти «Жума пахта заводи» ҳиссадорлик жамияти жамоаси

Юртдошларимизни Янги йил байрами билан чин дилдан муборакбод этади.

2008 йилда бардамлик ва хуш кайфият, омад ва бахту иқбол ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

Хонадонларимиз тинчлик-хотиржамлик, тотувлик ва тўкин-сочинликдан нурга тўлсин.

Келаётган 2008 йил барчамизга янги-янги муваффақиятлар, қувонч ва шодликлар келтирсин!

Энг эзгу ниятларимиз доимо ушалаверсин!

Эътироф

Йилнинг энг ўқишли мақолалари

31 декабрь ва 1 январь, аслини олганда, буларнинг ўртасида ҳеч қанча фарқ йўқ. Лекин униси эски йил бўлса, буниси – янги йил. Худди бир кунда бир йил ўтиб кетгандек. Демак, "йил" аталмиш вақт бирлиги сал нисбийроқ тушунча. Шунга қарамай, ҳамиша "Янги йил"ни қаршилар эканмиз, босиб ўтилган йўллар ва кўзланган манзилларга бир назар ташлаб оламиз. Хўш, 2007 йилда матбуотимиз қандай ютуқларга эришди? Бу саволга жавоб беришда, бизнингча, чоп этилган ўқишли мақолалар сони ва савиясини асосий мезон қилиб олсак адашмаймиз.

1. 2007 йил давомида матбуотимизда қандай яхши мақолалар чоп этилди? Улар қай жиҳатлари билан эътиборга молик?

2. "Ҳуррият" саҳифаларида эълон қилинган қайси мақолалар сизга кўпроқ манзур бўлди? Нима учун?

Мана шу икки савол билан кўпчиликка, асосан, соҳага яқин кишиларга мурожаат қилдик... Уч нуқтанинг боиси шуки, биз баъзан одамларни "жиддий" (расмий) газеталарни ўқимасликда айблар эканмиз-у, аксар ҳамкасбларимизнинг ҳам матбуотни кузатиб бормаслиги эътибордан четда қоларкан. Энг кўп эшитилган жавоб – "Узр, бу йил газета ўқимадим-да!" Бунинг сабаби нима? "Байрамолди вақтлари бўлмаса керак..." – ўйлаб топган энг яхши тасаллимиз шу.

Хуллас, унган жавоблар қуйидагича бўлди:

Норқобил ЖАЛИЛ, "Олтин қалам" халқаро мукофоти соҳиби:

– Тарих мулкига айланган йилда миллий матбуотимизда эълон қилинган мақолалар... Бир қараганда кўпга ўхшайди, лекин чуқурроқ ўйлаб кўрсам, ҳатто бармоқларим ортиб қолади. Бу – менинг кузатувларим. Лекин адолат ҳақи-ҳурмати айтадиган бўлсам, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" саҳифаларида эълон қилинган айрим мақолалар халқона ва самимий ёзилгани боис эсимда қолди.

Яқиндагина «Ҳуррият»да босилган "Эзгуликнинг синовли йўллари" бадиий-публицистик мақоласини ўқиб, ҳузур қилдим. Раҳматли Самар Нурийнинг ижод дунёсидаги жуда содда ва ўзбекона лутфларга бой, ўзига хос публицистик усулига тан бермасдан иложинг йўқ. Шундай устозларнинг йўлини берсин, бизлargаям.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, журналист:

– 2007 йил матбуотимизда ўқишли, долзарб мавзудаги мақолалар чоп этилди, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Халқ сўзи", "Ҳуррият" газеталарини кузатиб бордим. Ушбу нашрларда чоп этилган мақолалар қизиқарли фактларга бойлиги, янгича журналистик услубда ёндашилганлиги каби жиҳатлари билан ўқувчи эътиборини тортади. Жумладан, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида чоп этилган "Пардоз эмас, ҳусн керак" (Ўткир Ҳошимов, 4.05), "Ўқишли китоб гўзалдир" (Ҳафиз Абдусаматов, 6.04), "Тоза туйғулар тафти" (Луқмон Бўрихон, 6.04), "Санъатга девор оша кириб бўлмайди" (Рустам Қутлимуродов, Абдулла Сафоев, 30.03), "Репертуарлар масаласи – уни қандай ҳал қилиш лозим?" (Шуҳрат Ризаев, 9.11) каби мақолалар ушбу нашрнинг аввалги нуфузини қайтариш йўлидаги муҳим қадамлар дейиш мумкин.

"Халқ сўзи" газетасининг ҳам ижодий ходими, ҳам бир ўқувчиси сифатида қуйидаги мақолаларни эътироф этган бўлардим: "Далаларни уйғотган элим" (Аликул Хонимқулов, 12.10), "Нафси тийилмади, ризқи қийилди"(Алишер Исломбеков, 25.10), "Қутлуқ кунлар зийнати" (Абдураззоқ Юнусов, 13.09), "Анжир таъми" (Аликул Хонимқулов, 30.08), "Болаларга бош эгган Зидан" (Беккул Эгамқулов, 18.08)...

"Ҳуррият" саҳифаларида ёритилган мақолалардан "Манфаатдорлик ҳисси", "Китобларни автомашинага алмаштирмади", "Ўқувчини чалғитмайлик", "Кўз олдимиздаги хатар", "Холис танқид адолатга хизмат қилади" сингариларни эътироф этиш мумкин.

Лекин бугунги матбуотимизда холис танқидий қарашлар, таҳлилий, факт ва далилларга бой материаллар етишмайди. Халқ матбуотнинг кучига ишонади. Шундай экан, халқ ишончини йўқотмасликка, мавжуд муаммоларни очиқ-ойдин ёритишга ҳамиша, ҳар қандай тўсиқни енгиб бўлса-да, ҳаракат қилишимиз лозим.

Жасур КЕНГБОЕВ, журналист:

— Ўтган 2007 йилда матбуотимиз орқали ўқиган мақолаларимдан айримлари менга худди беморга шифо берган доридек таъсир қилди. Бундай асарлардан кўпи севимли журналимиз "Тафаккур" номи билан боғлиқ. Ушбу нашрнинг 2-сонида Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим билан Дамин Жумақулнинг "Дунёни бир бутун кўрмоқ истаги" сарлавҳали суҳбати айниқса катта маънавий озуқа бўлди, кўпдан бери юрган кўнглимдаги кемтикликни тўлдирди. "Тафаккур"нинг шу сонида Бош муҳаррир Эркин Аъзамнинг "Манний каша соғинчи" фикраси ҳам бундан кам таъсир қилгани йўқ. 3-сонида Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Тўртинчи тўлқин" мақоласи-да жуда манзур бўлди. Йиллар давомида эсимдан чиқмаса керак.

Мен қолдирмай ўқиб борадиган севимли газетам — "Ҳуррият" талай ўткир мақолалари билан сийлади. Таниқли журналист Ҳабибулло Олимжонов 18 августда чоп қилинган "Доҳийлар ва иблислар" номли мақоласи билан ойна олиб яқин ўтмишимизни кўрсатди: нақадар "бахтли" бўлган эканмиз-а...

"Бақатерак"даги ҳангома" (19.09) мақоласида Орзумурод Ҳамроев Водийга кетишда йўл четидаги ошхоналар, официантлар мисолида кўплаб бундай оғриқли нуқталаримизни очиб берди. Муаллифнинг тили, баён усули ва ҲАЁТИЙ фактлари мақолага жуда катта юк ортиши билан барчамизга таниш лавҳаларни ёдимизга солади...

Очиғи, "Ҳуррият"да йил давомида ўқиганларим бир томон, ЎзДЖТУ талабаси Зилола Рустамованинг 8 августда эълон қилинган "Шаҳарлик талабанинг ҳайратлари" сарлавҳали саёҳатномаси бир томон бўлди. Матбуотимизда камёб ҳодисага айланаётган арзирли саёҳатномалардан бири шу бўлди, деб бемалол айта оламан. Муаллиф Зилола Рустамова Бухоро вилоятига, бир дугонасиникига қилган саёҳати давомида бир-икки деталлар орқали кўплаб муаммо ва камчиликларни очиб ташлайди. Келажакка умид — боқий туйғу. Тарихга айланган йилда мана шундай залворли мақолаларни биз муштарийларга тақдим этган "Ҳуррият" 2008 йилда бундан ҳам бақувват асарлар билан мамнун этишидан умидворман.

Меглимурод МУҲАММАДИЕВ, Бойсун маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси:

— Асосан "Халқ сўзи", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Ҳуррият", "Маърифат" каби газеталарни мунтазам ўқиб бораман. Ўтган йилда матбуотимиз ўқишли мақолаларга бой бўлди, назаримда. Бозор адабиёти ва таржимачилик муаммоларига бағишланган ҳар иккала давра суҳбатини ҳам мириқиб ўқидим ("ЎзАС"). Газеталарда бу тажрибанинг оммалашишини истардим. Зуҳриддин Исомиддинов қаламига мансуб "Залолатга далолат қилувчи китоб" мақоласини ҳам йилнинг энг яхши чиқишларидан бири, дейиш мумкин. Ҳозирча эсимга келганлари шулар.

"Ҳуррият" мустақил газетаси — менинг доимий суҳбатдошим. Ҳаким Сатторийнинг "Дарахт ва боғ можароси" (7.03) "Қуёшни елкалаган чўққига боқиб" (14, 28 ноябрь) каби мақолалари, "Биз умид билан яшаймиз қувончу қайғулар, шодлигу ғамлар аро" эссеси (Абдуғани Абдувалиев, 3.01), "Мўлжалга тегмаётган тадбирлар" (23.05) деб номланган Ҳамид Норқулнинг мулоҳазалари барча ўқувчиларни ҳам бефарқ қолдирмаса керак... Келгуси йил севимли газеталаримиздан янада яхши материаллар кутиб қоламиз.

Санжар РУСТАМОВ, Халқаро журналистика факультети талабаси:

— "Миллий тикланиш"нинг 5 декабрь сонида чиққан Иброҳим Ғафуров ҳақидаги "Ўтаётган вақтнинг биллури" эссеси менга жуда ёқди. У самимийлиги билан шу руҳда ёзилган бошқа мақолалардан ажралиб туради. Менимча, "юбилей мақола"лар фақатгина ким ҳақида ёзилаётганига эмас, ким ёзаётганига ҳам боғлиқ. Айни шу қаҳрамон ҳақида "Ҳуррият" газетасида чиққан Виктор Алимасовнинг мақоласини ҳам алоҳида таъкидлаган бўлардим. "Тафаккур" журналидаги "Муҳаррир минбари" доим ўқишли чиқади.

"Ҳуррият" мустақил газетаси ҳақида гапимизни "Ўзим билан суҳбат"лашиб бошлайман. (Муҳаммаджон Обидов, 17.01). Йилнинг бошидаги сонларини газета тарихидаги "Юлдузли онлар" дейиш мумкин. Мақолаларни санамай қўя қолай. Карикатуралар ҳам чакки эмас (Бу "Ҳуррият"нинг ўзига хос томони). Мисол тариқасида Осимхон Восихоновнинг "Ариза" (16.05), "Телевизор" (6.06) сингари карикатураларини эслаш мумкин. Собиржон Ёқубовнинг ҳамма халқаро шарҳларини эътироф этган ҳолда, "Мағлубиятни унутиб бўлмайди". (25.04), "Франция қайси йўлдан боради?" (19.09), "Зиёли қиёфасидаги сиёсатдон" (16.05) ларни алоҳида санаб ўтаман.

Тўлқин ХОЛЖЎРАЕВ, Жиззах вилоят "Сайилжой" лицейи ўқитувчиси:

— Жавоб тайёрлаш учун газета тахламларини варақлаб ўтирибман. Мана шу сарғайган-сарғайиб улгурмаган саҳифаларда умримизнинг бир йили муҳрланди. Қанча вақтимни ушбу мақолаларни ўқишга сарфлаганман. Ачинмайман! Улар шунга арзийди. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"да Сирожиддин Саййид қаламига мансуб бугунги адабиёт аҳли ҳақидаги мақола, таржимачилик, бозор адабиёти ҳақидаги давра суҳбатлари ва ҳоказо.

"Маърифат"да ҳам яхши мақолалар ўқидик. Масалан, "Томошабин мадинияти" (Боир Холмирзаев), "Мониторбола" (Дилфуза Қўзиева), "Ҳикоя ҳақида ҳикоя" (Беҳзод Фазлиддин), "Ўқитувчининг боласи" (Назокат Холметова)...

Эргаш Умаровнинг "Бобурийлар армони" мақоласи (23.05), 2007 йил 19 декабрь сонида чоп этилган "Ўзбек миллий уйғониш адабиёти" (Бегали Қосимов) ва "Эзгуликнинг синовли йўллари" (Самар Нурий), "Аттестация, ундан қандай мақсадда фойдаланилади?" (16.05) мақолаларисиз "Ҳуррият"нинг ўтган йилги тахламини тасаввур этиб бўлмайди. Турсунбой Салимов ёзган "Ўқувчини чалғитмайлик" мақоласида жуда долзарб муаммо кўтарилган. Ҳақиқатан ҳам, бугунги дарсликларда ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам етарли. Бундай мақолаларни тез-тез бериб бориш фақат фойдали бўлади.

Сарвар ХУРРАМОВ, ЎзДЖТУ талабаси:

— Энг яхши мақолаларни санай қолай: "Ўзим билан суҳбат" (Муҳаммаджон Обидов), "Қоринда қолган дока" (Убайдулло Хўжаниёзов), "Дарахт ва боғ можароси" (Ҳаким Сатторий), "Арафа тунидаги қотиллик" (Даврон Орипов), "Шаҳарлик талабанинг ҳайратлари" (Зилола Рустамова), "Бақатерак"даги ҳангома" (Орзумурод Ҳамроев)... улар жуда кўп. Севимли нашримиз "Ҳуррият" мустақил газетасига раҳмат, 2007 йил бизни анча дадил (мен бу сўзни бош ҳарфлар билан ёзган бўлардим) мақолалар билан сийлади.

Фарррух ЖАББОРОВ

Колумбия ҳарбий базасида портлаш

Колумбиянинг Медельин шаҳрида жойлашган ҳарбий базасида портлашлар рўй берди. Фожиа оқибатида икки нафар киши ҳалок бўлди ва ўнга яқин киши жароҳотланди.

Хабарларга қараганда, портлаш қурол-яроқ омборидаги гранатанинг ишга тушиши оқибатида юзага келган. Гувоҳлар бир кун ичида олти маротаба портлаш содир бўлганини қайд этишган.

Колумбия армияси вакили ҳарбий базага ҳужум уюштирилгани ҳақидаги хабарларни рад этди. Унинг сўзларига кўра портлашни бахтсиз ҳодиса сифатида баҳолаш тўғрироқ бўлади.

Фожиа оқибатида юзага келган ёнғинлар туфайли аҳоли орасида саросима ҳолати юзага келди. Мамлакат ҳукумати ҳарбий базага яқин ерда яшайдиган аҳолини хавфсиз жойларга кўчирди.

Колумбиядаги иккинчи йирик шаҳар бўлган Медельин пойтахт Боготадан 440 км. масофада жойлашган.

Ҳар дақиқада миллион фунт стерлинг

Буюк Британиядаги савдо дўконлари байрам арафаси ўз мижозлари учун бир қатор чегирмалар жорий этди. Бунинг натижасида байрам харидлари кўрсаткичи рекорд даражага етди. Mirror газетасининг ёзишича, байрам кунлари мамлакат миқёсида ҳар дақиқада миллион фунт стерлинглик маҳсулот харид қилингани қайд этилди.

Айрим дўконлар мижозларга 80 фоизгача бўлган чегирма жорий этди. Шу билан бирга инглиз фуқаролари интернет орқали ҳам 53 миллион фунт стерлингдан зиёдроқ миқдорда харид амалга оширишди.

Буюк Британиядаги дўкон 2006 йилда ҳам рекорд даражада савдо қилган эди. Ўшанда 25 декабрдан келгуси йилнинг февралига қадар олти миллиард фунтлик харидлар қайд этилганди.

Дараклар

Хорватия вазири истеъфога чиқди

Хорватния ички ишлар вазири Ивица Кирин лавозимидан озод этилди. Хабарларга қараганда, вазирнинг истеъфосига хорват полициясининг собиқ раҳбари Младен Маркач билан яқин дўстлик муносабатлари сабаб бўлган. Младен Маркач инсониятга қарши жиноятлар иштирокчиси сифатида Гаага халқаро трибуналида суд қилинмоқда.

Яқинда Хорватия матбуоти Маркач ва Кирин биргаликда ов қилаётган ҳолати тасвирланган фотосуратларни чоп этган эди. Тергов идоралари собиқ полиция раҳбарига Загреб шаҳридаги уйини рухсатисиз тарк этмаслик шартини қўйган эди. Мазкур талабни бузгани учун у зудлик билан ҳибсга олинган ва Гаагага юборилди.

"Аслида ички ишлар вазири сифатида Ивица Кирин қонун устуворлигини таъминлаши керак эди. Лекин у бунинг ўрнига жиноятларда айбланаётган шахс билан яқин дўстлик алоқалари ўрнатди". Мамлакат ҳукумати ички ишлар вазири истеъфосини ана шундай изоҳлади.

Ивица Кирин ўз лавозимини топширар экан, йўл қўйган хатоси учун кечирим сўраган.

Мехикода 800 йиллик пирамида!

Мехико шаҳри марказида XII-XIII асрларга оид пирамида топилди. Ацтеклар давлати даврида бунёд этилган обида шаҳарнинг энг юқори нуқтасида Уч маданият майдонида қад ростлаган.

Тлателолко ва Теночтитлан шаҳарларида олиб борилган аввалги қазишмалар натижасида олимлар ацтеклар давлати 1325 йили ташкил топган деган хулосага келган эдилар. Янги топилган пирамида эса мазкур давлат тарихи бир неча юз йил қадимийроқ эканини тасдиқламоқда.

Қазишма ишлари 2008 йилда ҳам давом эттирилади.

Сўнгги йилларда Мехико шаҳрида ўнлаб ноёб тарихий ёдгорликлар топилди. Хусусан, 2006 йилнинг баҳорида бу ерда III-VI асрларга оид Теотиуакан пирамидаси топилди.

Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши...

2007 йилнинг муҳим сиёсий ҳодисаларига назар

Турли ихтилоф ва зиддиятлар маконига айланган кўҳна замин ўтган 2007 йилда ҳам турфа воқеаларга бой бўлди. Хусусан, ярим асрдан буён дунё ҳамжамиятини ўйлантириб келаётган Яқин Шарқ масаласи ўтган йилда янада чигаллашди. Фаластин-Исроил тортишуви, Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар, Эрон ядро тадқиқотлари билан боғлиқ можаро устига Ливан ва Покистондаги сиёсий инқироз қўшилди. Шу билан бирга 2007 йил дунё сиёсатига кучли таъсир кўрсатган сайловлар, ҳокимият алмашувлари билан ҳам ёдда қолди. Қуйида жаҳон сиёсатида 2007 йили рўй берган энг муҳим ҳодисалар эслаб ўтилади.

Сўнгги чорак аср давомида дунё сиёсатдонларининг бедаво "бош оғриғи" бўлиб келган Шимолий Корея муаммосини ҳал этиш борасидаги музокаралар ижобий натижа берди. Бутун дунёни ядро қуроли билан қўрқитишдан безор бўлган мамлакат раҳбари Ким Чен Ир ниҳоят инсофга келди. Ўтган йил бошида корейс доҳийси ядро объектларини ёпишга розилик берди. Коммунизм ғояси билан яшаётган арбобни кўндириш осон бўлгани йўқ. Бунинг учун Шимолий Корея раҳбариятига минглаб тонна ёқилғи берилди ва Пхеньян амалдорларининг халқаро банкларда музлатиб қўйилган пулларини олишлари учун имкон яратилди. Ҳозирга қадар Йонбен ядро реакторидаги тадқиқотлар тўхтатилди. Лекин кузатувчилар ҳали ҳам корейс муаммоси бир ёқли бўлганига тўла ишонмаяптилар. Чунки баҳор ҳавосидек ўзгарувчан феъл-атвор соҳиби бўлган Ким Чен Ир ўтган йиллар давомида неча маротаба ядро тадқиқотидан воз кечиб, яна неча маротаба қайта бошлаган. БМТ каби нуфузли ташкилот кузатувчиларини мамлакатидан ҳайдаб чиқариб ҳаммани лол қолдирган ҳам айни шу Ким Чен Ир бўлади.

Пхеньян ҳукуматининг ядро қуролидан воз кечгани йилнинг энг муваффақиятли сиёсий ҳодисаси деб эътироф этилди. Лекин коммунизм тарафдорлари билан тил топишган дипломатлар Эрон билан боғлиқ можароларни ҳал эта олишмади. Йилнинг сўнгги ойларигача Эрон раҳбари Маҳмуд Аҳмадинажод мамлакат физикларининг ядро соҳасида эришган улкан муваффақиятлари ҳақида интервьюлар берди. Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик сўнгсиз текширувлар ўтказиб чарчамади. Жаҳон матбуоти АҚШнинг Эронга ҳужуми эҳтимоли ҳақида шов-шувли мақолалар эълон қилди. Лекин декабрь ойида ҳеч ким кутмаган сенсация рўй берди. АҚШ махсус хизмати томонидан Эрон 2003 йилнинг кузидаёқ ўз ядро объектларини ёпгани тўғрисида маълумот эълон қилинди. Бу воқеа Теҳронга қарши мустаҳкам позицияда турган ва Эрон раҳбариятини оммавий қирғин қуролига эгаликда айблаётган АҚШда рўй бергани, боз устига хабар манбаси махсус хизмат эканини билан ҳамманинг эътиборини тортди.

Ядро тадқиқотлари борасидаги можаро ортидан тилга тушган Эрон ҳукумати ўтган йили Буюк Британиянинг 15 нафар денгизчисини ҳибсга олиб, яна бир дипломатик ихтилофга сабаб бўлди. Эрон раҳбарияти денгизчиларни жосусликда айблади. Ўз навбатида расмий Лондон Теҳронни халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузаяпти деган иддао билан чиқди. Икки ҳафтага чўзилган мунозара жосусликда гумон қилинган инглиз денгизчиларининг Эрон президенти томонидан озод этилиши билан хотима топди.

Франциянинг собиқ президенти Жак Ширак.

Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос

Россия ҳукумати раиси 1-ўринбосари Дмитрий Медведов

Ака-ука Лех ва Ярослав Качинскийлар

Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажод

Собиқ бош вазир Беназир Бхутто

Европа томон интилаётган Туркия учун ҳам йил анчайин беҳаловат келди. Мамлакат президентини сайлаш оммавий норозилик чиқишларга олиб келди. Норозилик акциялари, парламентдаги ойлаб давом этган муҳокамалардан кейин Абдуллоҳ Гул Туркия президенти этиб сайланди. Анқара йил давомида Шимолий Ироқдаги курд жангариларига қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлаши ҳақида баёнотлари билан минтақада ўз таъсирини оширишга уринаётган давлатларнинг тинчини бузди. Турк армияси бу борадаги айтилаётган гаплар шунчаки таҳдид эмаслигини кўрсатиб, курд жангариларига қарши бир неча амалиёт ҳам ўтказди. Лекин Анқара ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолган масала ўтган йили ечим топмади. Янги 2008 йилда ҳам Туркия курд жангариларига қарши курашни давом эттирадиган кўринади.

Фаластиндаги аҳвол ўтган йилда янада мураккаблашди. Мухторият ҳудудида мустақил давлат ўрнига қўшҳокимиятчилик юзага келди. Сиёсий курашлардан кейин ҳокимият тепасига келган ХАМАС ҳаракати ва мухторият раҳбари Маҳмуд Аббос муросага келишолмади. Оқибатда ўзи шундоқ ҳам мўъжазгина ҳудуд иккига бўлиниб кетди. Қуролли тўқнашувлардан кейин Ғазо сектори ХАМАСга, Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғи Маҳмуд Аббос бошчилигидаги ФАТХ ташкилотига тегди. Ҳокимият дарди фаластин сиёсатдонларини яна асосий мақсад — мустақил давлат ташкил этиш ғоясидан чалғитди.

Қўшни Исроилда ҳам турфа сиёсий можаролар рўй берди. Ливанга қарши ҳарбий ҳаракатларни ўрганиб чиққан ҳукумат комиссияси муваффақиятсизлик учун жавобгарликни бош вазир Эҳуд Олмерт зиммасига юклади. Бош вазир-ку, амаллаб ўз курсисини сақлаб қолди. Лекин ахлоқсизлик билан боғлиқ жиноятда айбланган Исроил президенти Моше Кацав бегуноҳлигини исботлаб бера олмади ва муддатдан олдин истеъфога чиқарилди.

Покистонда ўтган йил охирида рўй берган фожиа дунё аҳли томонидан хавотир билан қабул қилинди. Президент Парвез Мушарраф томонидан мамлакатда фавқулодда вазият жорий этилгани ички барқарорликни издан чиқарди. Сиёсий инқироз охирооқибат 27 декабрда мамлакатнинг кўзга кўринган сиёсатдонларидан бири Беназир Бхуттонинг ўлдирилиши билан якунланди. 54 ёшли сиёсатдон хоним 1988-90 ва 1993-96 йилларда Покистон бош вазири лавозимида ишлаган эди. Мухолиф сиёсий гуруҳлар етакчиси бўлган Бхуттонинг ўлими мамлакатдаги беқарорликни янада кучайтириб юборди.

Россияда президент Владимир Путиндан кейин унинг ўрнини ким эгаллаши мумкин деган савол бутун дунё ҳамжамиятини қизиқтириб келаётган эди. Ўтган йилнинг декабрида мана шу саволга жавоб топилди. Владимир Путин айни пайтда Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатаётган Дмитрий Медведов номзодини президентлик сайловида ёқлашини маълум қилди. Сайловга ҳали 2 ойдан ошиқроқ вақт бор. Лекин ҳозирданоқ аксарият кузатувчи ва таҳлилчилар Владимир Путиннинг энг ишонган кадрларидан бири 42 ёшли Дмитрий Медведовнинг ғалабасига шубҳа қилишмаяпти.

Шарқ мамлакатларида бўлгани каби Ғарб давлатларида ҳам ўтган йилда бир қатор муҳим сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Ёз ойларида узоқ кутилган истеъфо кузатилди — 10 йил давомида Буюк Британия ҳукуматига раҳбарлик қилган бош вазир Тони Блэр партиядош дўсти ва... рақиби Гордон Браун фойдасига лавозимидан воз кечди. Ўз ихтиёри билан, муддатдан олдин бош вазирликдан воз кечган арбоб ишсиз қолгани йўқ. Хукуматни топширар-топширмас Тони Блэр Яқин Шарқ муаммоларини ҳал этиш бўйича комиссияга раҳбар этиб тайинланди.

Шарҳ

Буюк Британия бош вазири ортидан Франция президенти Жак Ширак ҳам истеъфога чиқди. 12 йил мобайнида француз давлатини идора этган президент Ширак ўз ўрнини ички ишлар вазири вазифасида ишлаб келган Николя Саркозига бўшатиб берди. Франциянинг янги раҳбари ўз вазифасига киришган заҳоти дастлабки қилган иши Ливияда узоқ йиллардан бери ҳибсда сақлаб келинаётган ва ўлим жазосига ҳукм этилган болгариялик ҳамшираларни озод қилиш бўлди. Гарчи оилавий қўйди-чиқдилар туфайли жамоатчиликда Франция президентига қарши кайфият юзага келган бўлса-да, мазкур дипломатик муваффақият унинг обрўсини кескин оширib юборди.

Шарқий Европада ўтган йилдаги энг муҳим сиёсий ўзгаришга Польша давлати мезбонлик қилди. 2005 йили Польша ҳокимияти тепасига ака-ука Лех ва Ярослав Качинскийлар келган эди. Бош вазирлик ва президентликни ўзаро бўлишиб олган ака-укалар муросасиз хатти-ҳаракатлари билан Польша ва айни пайтда бутун Европа сиёсатини ўзгартириб юборишди. Агар ака-укаларнинг "бебош" ҳаракатлари Африка ёки бошқа бирор "ўртамиёна" давлатда рўй берганда, бу ҳолат узоқ давом этиши мумкин эди. Лекин замонавий Европада бундай сиёсатга кўп-да тоқат қилишмайди. Ўтган йилнинг октябрида ўтказилган парламент сайловидан кейин ака-укаларнинг каттаси (Ярослав Качинский) бош вазирликдан кетишга мажбур бўлди. Эгизакларнинг кичиги — Лех Качинский эса президентлик ваколатини сақлаб қолди.

Европа учун "кўпга келган тўй" бўлиб қолаётган Косово можароси бу йил ҳам ўзгаришсиз қолди. БМТ Бош котибининг махсус вакили Марти Ахтисаари ҳар қанча елиб-югурмасин Косовога мустақиллик бериш тўғрисидаги резолцияни Россия ва Хитойга маъқуллай олмади. Эндиликда бу масалани Европа Иттифоқи кўриб чиқиши кутиляпти.

Дарвоқе, Европа Иттифоқи учун интеграция ўтган йилда ҳамма даврдагидан ҳам кўра долзарброқ аҳамият касб этди. Франция ва Нидерландияда ЕИ Конституциясини қабул қилиш бўйича референдум муваффақиятсизликка учрагандан кейин Иттифоқ етакчилари мураккаб аҳволга тушиб қолишди. Лекин улар бир амаллаб оғир вазиятдан чиқиш йўлини топишди. ЕИ Конституция эмас, конституциявий шартнома қабул қилиш билан чегараланди.

Европа Иттифоқи давлатлари орасидаги келишмовчиликлар дунё миқёсида ўзаро муросага эришиш нечоғли қийин эканини яна бир карра тасдиқлади. (Ҳолбуки, ер юзидаги энг йирик бирлашма бўлиб турган ЕИ 1955 йилда ташкил этилган). Лекин ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам некбин фикр бўлгани яхши. Шу маънода 2007 йилда ўз ечимини топмаган кўплаб халқаро можаролар янги йилда буткул ҳал этилишига умид қилиб қоламиз.

Абдул СОБИР

2008-yil 1-yanvar | O'zingni angla! Mustaqil gazeta HURRIYAT

Қўқон шаҳри Фарғона водийсининг маданият ва санъати марказларидан бири ҳисобланади. Аҳоли зич жойлашган ва шунга кўра, ҳаёт ҳамиша жўшиб турувчи бу шаҳар ўзининг табиати, турмуш тарзи, уйғоқлиги ва даврга нисбатан ҳозиржавоблиги билан ажралиб туради.

Қувончли далиллар

Қўқонликлар азалдан ҳунарманд, тадбиркор ва ишбилармон, маданияти ва салоҳияти баланд бўлганидан, бу ерда турмуш қийинчилиги, ночорлик ёхуд бир амаллаб кун кечириш деган нарсалар бўлмайди. Аҳиллик ва тотувлик, изланувчанлик ва меҳнатсеварлик, бир-бирига меҳру оқибатлилик хислатлари барқарор эканлиги боис, шаҳар аҳли ҳаётидаги кўтаринки руҳ, равнақ ва барокот чўғи доимо баланд...

Истиқлол қадимий шаҳримиз ҳаётига янги ҳарорат, беназир ўзгаришлар олиб кирди. Шўро давридан мерос қолган саноат корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга энг самарабахш замонавий технологияни жорий этиш ва шу қаторда, тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши, кишиларимизда эркинлик туйғуси ва ижодий кўтаринкиликнинг, эртанги кунга, истиқболга чуқур ишонч ҳиссининг пайдо бўлиши — бугунликда Қўқоннинг Фарғона вилоятдагина эмас, балки республикамиз иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этиб турганлиги омиллари ана шулардан иборатдир.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим, устувор вазифаларидан келиб чиқиб, даҳлдор барча тармоқлар бўйича ишлаб чиқилган аниқ чора-тадбирлар тез орада ўз самарасини кўрсатди. Йил якунларига кўра, биз саноат ишлаб чиқариши ва экспорт бўйича ҳам янги иш ўринларини яратиш ва кичик бизнесни ривожлантириш, хусусан касаначилик йўналишида ҳам 2006 йилги натижаларимизга нисбатан анчагина яхши кўрсаткичларга эришганимиз маълум бўлди.

Ўз ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, айниқса, халқ истеъмол моллари, саноат маҳсулотлари, жумладан минерал ўғит, озуқа спирти, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш бирмунча кўпайди. Биргина саноатнинг ўзидан буюртмачиларга етказиб берилган маҳсулотлар кўрсаткичи 2006 йилга нисбатан 25 фоиз атрофида юксалгани фикримизнинг далилидир.

Шаҳар бўйича маҳсулот экспорти кўрсаткичлари муттасил ошиб бормоқда. Шу ўринда, «Қўқон СФЗ» ва «Қўқондон маҳсулотлари» корхоналари йиллик экспорт режаларини биринчилар қаторида бажаришди. Ҳудудий экспорт режаси ҳам 2006 йилдагига нисбатан яқин 50 фоизга ортиқроқ қилиб амалга оширилди. Бунга айниқса, «Лоретта», «Чашма» ва «Олсумфарм» хусусий корхоналари салмоқли ҳисса қўшдилар.

«ЎзДЭУавто» учун эҳтиёж ва бутловчи қисмлар етказиб берувчи «Машшота-М», «Қўқонмаш», учун эҳтиёж ва бутловчи қисмлар етказиб берувчи "МашшотахМ", "Қўқонмаш", "Электромаш", "Мотор таъмири" ва "Қўқонмеханика" заводлари, калций карбиди ишлаб чиқарувчи "Ёғду", қурилиш жиҳозларига эҳтиёт қисмлар тайёрловчи "Факел" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ва бошқа объектларнинг, айниқса, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтира бориш режаларини оширишда бажаришаётганини мамнунлик билан қайд этамиз.

Янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан тўла банд этиш, турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларимиз изчил амалга ошириляпти. Хусусан, номлари юқорида зикр этилган корхоналаримизда бу йўналиш бўйича ибратли ишлар йўлга қўйилган.

Фикримизнинг далили сифатида 2007 йилнинг ўзидаёқ шаҳримизда етти мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилгани ва уларнинг тенг ярми уйларда хусусий мини цехлар барпо этиш ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига ташкил этилганини таъкидлаш ўринлидир.

Президентимиз ва ҳукуматимизнинг йил бошида эълон қилинган "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар

Ифтихор

ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда қарорига кўра, бу йўналишда кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Йил давомида шаҳардаги 15 та йирик ва бошқа катта – кичик саноат корхоналарида жами бўлиб 1200 та касаначилик иш ўринлари яратилди.

Давлат-тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитларни эса тадбиркорлар ва уй-жой шароитларини яхшилаётган фуқаролар янги оила қураётган ёшлар кенг кўламда ўзлаштириб келишаётгани ҳам қувонарлидир. Шунингдек, "Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури"га мувофиқ, 2007 йилда кам таъминланган 300 оилага бепул қорамол тарқатилгани ҳам ҳайрли иш бўлди.

Шаҳримизда янги қурилишлар ва янги бунёдкорлик ишлари, айниқса, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизими фаолияти учун энг қулай, замонавий шароитларни яратиб бериш борасида ҳам кўплаб ишлар қилинаётганидан хурсандмиз. Шу ўринда, биргина Қўқон шаҳрининг ўзидаёқ 2007 йил давомида 40 га яқин янги, йирик ва замонавий иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилгани Юртбошимиз раҳнамолигида бутун элу юртимиз тўғри йўлдан бораётгани ва шу боис ҳам тобора равнақ топиб, гуллаб-яшнаётганидан далолат беради.

Юқоридаги қувончли далилларни мен мутлақо мақтаниш ниятида эмас, балки бутун халқимиз тақдирида, шу жумладан қўқонликлар тақдирида ҳам Мустақилликнинг, Истиқлол ислоҳотларининг ва элу юрт ҳаётидаги жаҳоншумул ўзгаришларда шахсан Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг нақадар буюк ўрни борлигидан ифтихор ҳиссига тўлиб-тошиб тилга олдим.

Мана, янги режалар, янги орзуниятлар йили — 2008 йил ҳам бошланди. Халқимиз қалбида саодатли кунлар учун миннатдорлик ҳисси, ижодий кўтаринкилик, кенг қамровдаги яшаш ва яратиш нашидаси уфуриб турибди. Бу йилда ҳам турмушимиз мазмуни янада бойиб, фарзандларимиз иқболи очилиб бораверишига асло шубҳа йўқ.

Аббосхон МАҲМУДОВ,
Қўқон шаҳар ҳокимининг иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари.



«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»
компанияси жамоаси

Мустақил Ўзбекистонимизнинг бунёдкор халқини кириб келаётган 2008 йил билан қизғин қутлайди.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, омад ва хуш кайфият йўлдош бўлсин, азизлар!

«Қўқондон маҳсулотлари» очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси

Жаннатмакон ўлкамиз аҳлини, танти ва меҳнаткаш бободеҳқону соҳибкорларимизни Янги – 2008 йил билан муборакбод этади!

Барчага сиҳат-саломатлик, ишларида катта муваффақиятлар, ҳар бир хонадонга тинчлик-осойишталик, файзу барака тилайди.

Фаолият

Бу масканда ёшлар ҳунар ўрганишади

Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам Термиз шаҳрида "Ғулом-Муҳаммад" кўп тармоқли хусусий фирмаси фаолият бошлаганда ишлар бир текис кетишига умид боғланганди. Бир томони, фирма раҳбари ва ташкилотчиси Ғулом оға Муҳаммад дунё кезган, кўпни кўрган ва тажрибали мутахассис эканлиги эди. Иккинчидан, Сурхондарё воҳасида айни шу тур корхона ва ўқув марказлари кўп ҳам "ялт" этиб кўзга ташланмаганди. Аммо ўйлагандек бўлиб чиқмади. Гарчанд, рақобат майдони "гавжум" бўлмаса-да, ёшларнинг ҳам бу каби марказларга қизиқиши кўп оммалашмагани учунми, фирманинг асосий йўналиши бўлган ўқув курсларига йигит-қизларни жалб қилиш аввалига бир қадар қийинчилик билан кечди.

Ғулом оға вазиятни таҳлил қилар экан, ўз тажрибасидан келиб чиқиб, маҳаллий мутахассислардан танлаб-танлаб олди. Дастлаб тикувчилик, тил ўрганиш курсларини очди. Кейинроқ замонавий компьютерлар ўрганиш йўналиши ташкил этилди. Фирма вилоят марказида ташкил этилгани, реклама-тижорат ишлари ҳали йўлга қўйилмагани боис аввалига тингловчилар фақат Термиз шаҳрида яшовчи йигит-қизлардан иборат эди. бироқ, дастлабки йил якунлари сарҳисоб қилингач, вилоят телевидениеси, ҳамда газеталари орқали "Ғулом-Муҳаммад"нинг реклама роликлари тез-тез айлана бошлади. Ва, бунинг самараси ўлароқ келгуси йилларда энди нафақат Термиз шаҳри, балки унга яқин туманларда ҳам йигит-қизлар айнан "Ғулом-Муҳаммад" ўқув курсларида таҳсил олиш учун кела бошлашди. Талаб бор жойда эҳтиёж бўлиши эса – бу бозор қонуни. Ана шу қонундан келиб чиқиб талабнинг ошиб бориши фирма фаолиятини янада кенгайтириш, соҳаларни кўпайтиришни вақтнинг ўзи кўрсата бошлади. Натижаси қисқа фурсатда фирма наинки вилоят марказидаги фаолияти билан чекланиб қолди, балки қўшни туман ва шаҳарларда ҳам ўз филиалларини ташкил этди. Бугунги кунга келиб Ангор, Шеробод, Денов, Сариосиё ва Қизириқ туманларида "Ғулом-Муҳаммад" филиаллари фаолият юритаётгани ана шу саъй-ҳаракатларнинг самарасидир. Янги йилдан бошлаб эса олис тоғли туманларда ушбу фирма билан ҳамкорлик йўлга қўйилиши режалаштирилган.

– Ўқув курсларимизда ва ишлаб чиқариш цехларимизда энг замонавий компьютерлар, тикув-бичув машинкалари ва бошқа ускуналардан фойдаланилади, – дейди фирма раҳбари. – Айниқса фирмамиз ташкил этилгани ўн йиллик юбилейи арафасида қўшимча янги курсларга алоҳида эътибор қаратдик. Натижада янги йилдан бошлаб замонавий эркаклар костюм-шимлари, чарм курткалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари элита пардалари тикиш курси жорий этилади. Зардўзлик, гилам тўқиш, ҳисобчилар курслари фаолиятини янада кенгайтириш мўлжалланган. Шу билан бирга тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтириш асосий вазифаларимиздан бўлиб қолади.

Эндиликда вилоятда ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, йўналтириш марказлари деярли ҳар бир шаҳарларда мавжуд. Бироқ, рақобатчилар кучайгандан-кучайиб бораётган бир паллада "Ғулом-Муҳаммад" кўп тармоқли фирмасининг ўз ўрни ва аҳамияти алоҳида кўзга ташланиб туради. Фирма фаолият кўрсатган йиллар давомида вилоятнинг юзлаб ёш йигит-қизлари айнан шу ерда касб ўрганиб, тегишли сертификат ва дипломга эга бўлгани фикримиз далилидир. Фирма мутахассисларининг маълумотларига кўра ҳатто келгуси йил учун ҳам бир неча гуруҳларда ҳозирданоқ ўринлар банд қилинган. Демак, ўзининг дастлабки ўн йиллик шаклланиш дастлабки босқичини ишонч билан якунлаган "Ғулом-Муҳаммад" келгуси йилдан Сурхон ёшлари билан ҳамкорликни янада янгиланган ва кенгайган фаолият доирасида давом эттиришга тайёр.

Эркин МУҚИМОВ ®

Китобингизни ўқидим

Ўқувчининг тафти

Таниқли адиб Саъдулла Сиёевнинг "Менинг хўроз қувганим" китобини ўқиб кўнгил тўлади. Негаки, ундаги деярли барча ҳикоя ва ҳажвиялар ўзининг ҳаётийлиги билан ўқувчининг тафтини олади. Ҳа, айнан тафтини олади... Чунки кўпчилигимиз бугун газета-журналларимизда, ёстиқдай китобларда босилаётган олди-қочди, чучмал, ҳаётдан узоқ, бири боғдан, иккинчиси тоғдан келадиган қаҳрамонлар, воқеалар ҳақида ўқийвериб чарчадик.

Ваҳоланки, бугунги ўқувчи айни "бугуннинг гапи" зерзабар қилинган иншоларга муҳтож. Аммо не қилайликки, "Гул камрак топилди, гарчи бисёр истадим" (Навоий). Худди шу боис ҳам ёзувчининг мазкур тўпламдаги талайгина асарлари уни ўқиган одамнинг тафтини олади. Жумладан, "Туя лўк-лўк этади" ҳикояси. Бундай олиб қараганда, мавзу қалам илавериб, илма-тешик қилиб юборган воқеалар сирасидан: бошлиқ билан котиба ўртасидаги ҳангомалар... "Ҳангомалар" деган сўздан кейин уч нуқта қўймаганимизнинг боиси шулки, ҳикоя қаҳрамони Ўрол Меликулов "олтмишдан ошиб қўйган" раҳбар, Жаннатхон эса "ёш қиз..." Меликуловнинг танаси тўйган, аммо кўзи тўймайди... Буни Жаннатхоннинг хонага киргандаги Меликулов ҳолати ҳам тасдиқлайди: "Меликулов аста бош кўтарди. Жаннатхонни энди кўраётгандек унга суқланиб қаради. Секретарь қиз магазин витринасидаги манекенга ўхшарди. Бел бир тутам. Қизғиш лаблар ибо билан қимтинган. Тим қора жоду кўзлар "Ака, менга раҳмингиз келмайдими?" – дегандек хумор-хумор боқади. Меликуловнинг баданига чумоли ўрмалагандек бўлди". Шу. Бошқа бирон жойда Жаннатхонга нисбатан Меликуловнинг кўнгли суст кетмайди... Ҳақли савол туғилади: унда бошлиқ билан котиба орасида қанақа ҳангома бўлиши мумкин? Ижтимоий ҳангома!

Бу ҳангома кўп тўполонлардан сўнг раҳбар билан котиба чўл сафарига бориб келишгач, Жаннатхонни ишдан бўшатиш куни ошкор бўлди. Жаннатхон:

– Виждонни ўртага қўйиб айтинг-чи, мени неча марта ўпгансиз?

– Бир марта, – деди Меликулов ўзини босиб, – туғилган кунингизда пешонангиздан ўпганман. Ҳамма гувоҳ эди.

– Тўғри, – тасдиқлади қиз, – ҳамма гувоҳ эди... Аммо... ҳеч ким йўғида ҳам ўпганлар, десамчи, нима бўлади? Худога шукур, эмансипация деган процесс бошлангандан бери аёлларнинг гапи кесадиган бўлиб қолди. Айтайми?

Жаннатхон айтди. Фақат кўнгилхушликни эмас, ижтимоий ҳангомаларни айтди. Жаноблари бошчилик қилаётган мана шу даргоҳда қамалиб чиққан ўғри ҳам, хотинбозу пиёниста ҳам, арпа билан буғдойнинг фарқига бормайдиган чаласавод агроном ҳам борлигини, бошлиқнинг чойчилимига қарайдиган югурдаклару, қизининг қандай қилиб институтга киргани, Салмоновнинг (Меликуловга қарашли хўжалик директори) йилига неча марта салом бериб кетиши-ю, Дадашев деган йўқ одамга ойма-ой мукофот ёзилиши ва Меликуловнинг отасини ҳам ишхона кўрганигача айтди... бировга эмас, Меликуловнинг ўзига айтди.

Меликулов икки кун кўрпа-тўшак қилиб ётди, Жаннатхоннинг айтганларини фикр қилади ва "барибир сени ишдан бўшатаман, қўлингдан ҳеч нарса келмайди" деган тўхтамга келади.

Жаннатхон ҳам шу ўтган икки кунда кўп ўйлайди: "Бу қовоқбош барибир бўшатади. Дод деганим билан фойдаси йўқ. Борингки, ҳалиги қоғозни кўтариб министрликка чиқдим, дей. Нима қиларди у ердагилар? Нари борса, Меликуловга хайфсан беради. Ишдан бўшатишса, яна бошқа ерга қўйишади. Балиқни денгиздан кўлга ташлагандек гап. Барибир балиқнинг насибаси бутун. Меликуловга ўхшаганлар ёмонликка олса, ҳар бало қилиши мумкин. Ўзим бир сағир бўлсам. Орқамда "Бизнинг Жаннатхон қалай, яхши ишлаб юрибдими?" деб турадиган ишонган кишим бўлмаса. Ийиб турганда берадиганини олай-да, идорасига бурнимни қоқай". Унинг сўзига қараганда, Меликулов билан тўрт йил "қатиқ ялашибди". Олқўй, деган ўткир савдодан сўнг ҳар йилига 100 минг сўмданни олиб, Жаннатхон ишдан бўшайди... Бўлган воқеа шу. Тўғри, ҳикоянинг сўнггида Меликулов ишдан бўшаб, пиёда қолади. Бекатда унинг қаршисига қизил "Жигули" келиб тўхтайди. Бу Жаннатхон эди. Унинг "Ташлаб ўтаман" деган таклифини Меликулов рад этади. Жаннатхон ана шу – сичқон тушган ўрада. Ҳамма нарса, мансабу мартабалар ("Қозон бошидаги хотин") ими-жимида тақсимланади, кўпчилик билиши лозим воқеалар, масалалар фақат "иштирокчиларнинг" орасидагина ҳал бўлади...

Китобдан, шунингдек, "Устозлар ёди", "Атиргулнинг бир ҳовуч ҳиди" каби умумий сарлавҳа билан бир қатор хотира ва бадиалар ҳам ўрин олган. Жумладан, устоз ёзувчи ва шоирларимиз Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, беназир санъаткор Шукур Бурхон (уларни Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин) ҳаётидаги кўпчилик ўқувчига маълум бўлмаган воқеалар, бу ижодкорларнинг жамиятга, адабиётга муносабатлари, мулоқотларидаги "теша тегмаган" иборалари хусусида гап боради. Муаллиф ажойиб шоир ва драматург Туроб Тўла ҳақидаги хотираларини бир ривоят билан шундай якунлайди: "Бир киши боғда кезиб юрарди. Оддий терак баргига кўзи тушди. Олиб ҳидлади. Ундан хушбўй ҳид келарди.

– Сен нимасан, эй, япроқ, – деди сайёҳ, – бўйинг мунча ёқимли!

– Мен терак баргиман, – деди япроқ, – бир неча муддат гулирайҳонлар ичида яшадим. Шу туфайли уларнинг ҳиди менга уриб, гулсифат бўлибман...

Туроб аканинг ёнида юрганлар ана шу терак баргига ўхшаб ўзидан мушки-анбарга айланиб қолганини сезмасди".

Жуда топиб айтилган гап. Бу ўхшатишни муаллиф тилга олган барча сўз усталари хусусида ҳам айтиш мумкин. Айтайлик, Абдулла Қаҳҳор билан яқин мулоқотда бўлган ажойиб адабиётшунос олим, марҳум ёзувчи Озод Шарафиддинов ёки Миртемирдан кўплаб ижодий ва ҳаётий сабоқлар олган Мирпўлат Мирзо, Асқад Мухтор, Хайриддин Султон, Эркин Аъзам, Шукур Бурҳондан ўқиб-ўрганган Эркин Комилов (юқоридаги номларни яна давом эттириш мумкин)лардаги истеъдод улар ижодидаги самимият ўша ўзлари этакларини ушлаган устозларидан юққан бўлса, не ажаб?!

Муаллифнинг шоҳидлик беришича, ижодий гурунгларда, йиғинларда "Сўз севимли адибимиз устоз Абдулла Қаҳҳорга" дейилганда зал бир қалқиб тушар, асари муҳокама бўлаётган қаламкаш эса устоз нима деркин, дея юрагини ҳовучлаб ўтирган. Абдулла Қаҳҳор улуғ ёзувчи бўлиш билан бирга ўзбек адабиётининг миришкор боғбони бўлгани китобда келтирилган хотираларда яққол сезилади. Жумладан, катта бир амалдорнинг китобини "палов бўлмаган масаллиққа" менгзайди, бошқа бир ёзувчига эса "ўзининг бўй-бастига ўлчаб ёзибди" дея асарининг тутуриқсизлигини танқид қилади.

Асқад Мухторнинг муайян асар ҳақидаги фикри эса адабиётда тарозу вазифасини бажарган. Миртемирнинг хонадони ёш шоирлар учун ўз уйидай бўлган. Унинг сокин шеърияти қатламларидаги бўронларни илғаган ижодкорлар кам топилади.

Миртемир домла ёшларни киприкларига менгзаган эдилар:

Киприкларим қўнғирмикан ё қора?
Киприкларим юзтамикин ёки минг?
Киприкларим мунча азиз ва сара,
Кўзгинамнинг киприклари...

Саъдулла ака ўз китобини гарчи кулгулаб "Менинг хўроз қувганим" деб номлаган бўлса-да, лекин юқоридаги каби биз сўз юритган ва юритмаган ҳикоялар, хотиралар, бадиаларни ўқиб, бехос ўйга толасан одам: хўш бугун ўзбек адабиётида кимлар боғбонлик қиляпти-ю, кимлар тош-тарозу қўймоқда ва ёшларни ким кипригидай асрамоқда? Умуман, том маънодаги адабиёт қай даражада яратиляпти?

Бу саволга жавобни ҳар ким топса ажабмас. Камина эса, бир журналист одам, шу саволга ҳам зўрға етиб келдим...

Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ

Самарқанд вилоят "Оқтошдон" акциядорлик жамияти жамоаси

Юртдошларимизни Янги йил байрами билан чин юракдан табриклайди.

Ҳаётингизда олам-олам шоду хуррамлик, рўзғорингизга қут-барака, меҳнат фаолиятингизда омад ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

«Жарқўрғон пахта» ҳиссадорлик жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни янги – 2008 йил билан чин қалбдан табриклайди.

Элимиз ҳамиша омон бўлсин, турмушимиз фаровон, ҳаётимиз нурли бўлсин!

Қорбобо: *— Вой-бўй, бу Тошкентнинг эски шаҳрими ёки бошқа ерга келиб қолдимми?..*

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган сурат.

2008-yil 1-yanvar | O'zingni angla! Mustaqil gazeta HURRIYAT

Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

«Асарларимни меҳр билан ёзаман»

Халқимизнинг таниқли ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг салмоқли романлари, бир-биридан ширали қисса ва ҳикоялари китобхонларнинг севимли асарларига айланганлиги шубҳасиз.

Айниқса, ёшларга бағишланган "Уч илдиз" асарига устоз Абдулла Қаҳҳор юксак баҳо берган бўлса, русча таржимасини ўқиган буюк қозоқ адиби Мухтор Авезов Москвада бўлиб ўтган «Ўзбек адабиёти ва санъати кунлари"да ушбу асарни нотўғри талқин қилган ва унга ўринсиз айб қўйган Анна Караваеванинг таърифлари хато эканлигини ишонарли далиллар билан исботлаб берганлиги ёзувчининг кейинги асарларининг ёзилишига туртки бўлган десак муболаға бўлмайди.

Адиб шундан кейин "Қадрим", "Эрк" қиссалари, "Яйра институтга кирмоқчи", "Мерос", "Ботирлар ва баҳиллар" асарлари, "Қора кўзлар" романини яратди. Уларда ўз даврининг жозибали ёш қаҳрамонлари қандай шаклланганлиги ҳақида ҳикоя қилиб, уларнинг ҳаётини бугунги авлод вакилларига ибрат бўладиган лавҳаларда ҳаққоний тасвирлаб берган.

Пиримқул Қодировнинг сўнгги ўн йил давомида ёзган "Она лочин видоси" романида Амир Темурнинг суюкли ўғли Шохруҳ ва келини Гавҳаршодбегим билан боғлиқ воқеалар қаламга олинган. Асардаги Улуғбек Мирзо, Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ёшлик давридаги жасорат ва истеъдодлари ҳам ўқувчида ёркин таассурот қолдиради.

Қирқ беш йилдан бери чоп этилган деярли барча асарлари ёшларга бағишланган улуғ ёзувчининг ижодхонасига ташриф буюрар эканмиз, айни пайтда янги асарлари ва эсдаликларини тўплаб, китоб ҳолда нашрга тайёрлаётган адибни дилдан суҳбатга тортдик.

— Пиримқул ака, асосан барча асарларингизда ёшлик салтанатининг ибратли қаҳрамонларини меҳр билан кўрсатган ва бу меҳрни ўқувчилар қалбига етиб борадиган тарзда маҳорат билан ифода этгансизки, беихтиёр асарларингиз худди ҳаётингизнинг бир парчасига ўхшаб кетади. Келинг, бугунги суҳбатимизни ҳам болалигингиз қандай кечганлиги ҳақидаги ўй-кечинмаларингиздан бошласак...

— Болалигим, ёшлигим... О, қанча йиллар ўтди. Аммо, рости, худди кечаги кундек. Бундан олтмиш беш йил муқаддам 7-синфни битираётган пайтларимда "Қутлуғ қон" романини қанчалик таъсирланиб ўқиганим ҳалигача ёдимдан чиқмайди. Китобдан олган ёркин таассуротларим уни ўқиган жойимнинг манзаралари билан бирга ҳамон кўз ўнгимда турибди.

Биз бир боғот жойнинг қўрғончасида турардик. Май ойининг охирлари, боғдаги токлар қийғос гуллаган пайт. Қўрғончада сигир ва эчкилар бор, уларга ўт ўриш, анча узоқдаги ариқдан челакда сув ташиб келиш биз каби дастёрларнинг зиммасида эди. Лекин китоб ўқишимга халақит бермасликлари учун токзорнинг нариги четидаги пана бир жойга яшириниб олар эдим. Онам бир неча марта қўрғончадан чиқиб мени чақирар, лекин ўзимни эшитмаганга солиб, китоб ўқишда давом этардим.

Шахсан мен Йўлчининг тупроғи тўпиққа чиқадиган кўчалардан ялангоёқ юриб, қишлоқдан шаҳарга келишини ҳам айнан ўз ҳаётимга ўхшатардим. Чунки болалик пайтимизда отамиз бой бўлгани учун бор мол-мулкимизни шўролар тортиб олган, қиш кунида бизни иссиқ уйимиздан қувиб чиқариб бадарға қилганди.

Ёшлик йилларимизда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби ёзувчиларнинг асарларини ўқишдан бутунлай маҳрум этилган эдик. Мабодо баъзи ихлосмандлар "Ўтган кунлар" ёки "Кеча ва кундуз" романларини яширинча ўқиётган пайтда қўлга тушса, қатағонга учрарди.

Ўша йилларда биз талабалар суюкли устозларимизга ноҳақ отилган маломат тошларидан қаттиқ изтироб чекканмиз. Бу изтиробларимни "Уч илдиз" романида Маҳкам ва Очил каби ёшлар навқирон, суюкли домлалари профессор Абдураҳмон Тошев ва доцент Темур Акбаровлар томонидан тургани, уларга туҳмат қилган баҳилларга қарши курашган лавҳалар орқали кўрсатишга ҳаракат қилганман. Ўрни келганда айтиш жоиз: талабалар севадиган профессор Тошев образида мен Ойбекни назарда тутган эдим. Отаси темирчи бўлган Темур Акбаровни тасвир этганда устоз Абдулла Қаҳҳор кўз олдимда турган эди.

— Асарларингиз ичида сизга довруғ келтирган "Юлдузли тунлар" романини ҳаяжон билан ўқимаган китобхон топилмаса керак. Айнан Бобурга мурожаат қилишингизга нима сабабчи бўлган?

— Бобурдан бошлаганим тўғри бўлган экан, деб ўйлайман. Чунки Амир Темур тажрибасини энг чуқур ўрганган ва давом эттирган темурийзода менимча Бобурдир. Мирзо Бобур "Темур тузуклари"ни чуқур ўрганган ҳамда вафотидан олдин ўғли Ҳумоюнга ёзган махфий васиятномасида "Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг иш юритишлари доимо ёдингда бўлсин. Шунда давлатинг маъмур ва пухта бўлади", деб тайинлайди. Ҳақиқатдан Бобурнинг ўзи бутун ҳаёти давомида Амир Темурнинг тузукларидаги пурмаъно сўзлардан жуда кўп ибрат олган. Даҳо даражасидаги талант нуқтаи назаридан қараганда, Амир Темурга ирсий ворис ва яқин авлод Бобур Мирзо деб айтиш мумкин. Шунинг учун Бобур Мирзо Ҳиндистонда бошлаб берган Бобурийлар сулоласи 332 йил умр кўрган.

Учрашув

— "Амир Темур сиймоси" номли илмий-тарихий асарингиз эса Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллик арафасида ўтказилган "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловида биринчи ўринга сазовор бўлганлиги адабиёт аҳлини қувонтирди. Сиз ушбу асарингиз орқали олдингизга қўйган мақсадга эришдингизми?

— Қанчалик эришганимни китобхонлар айтсинлар. Мен ўзим шу асарни катта қизиқиш ва меҳр билан ёздим. Агар шу меҳрни китобхонлар қалбига етказиб бера олган бўлсам, ўз мақсадимга маълум даражада эришдим, деб ўйлайман.

— Бироқ Соҳибқирон Амир Темур ҳақида ёзилган асарларда турли хил фактларга дуч келамиз. Жумладан, айрим бадиий асарларда 1370 йил Балхда Ҳиндувон қалъасини забт этишда Жаҳонгир Мирзони етакчи қаҳрамон қилиб тасвирланган бўлса, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида бу жасоратни Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзога хос деб қайд этган. Бу бадиий тўқимами ёки англашилмовчилик?

— Бадиий тўқимада шундай ўзгаришлар қилиш мумкин. Аммо мен Умаршайх Мирзони аслидек қилиб, яладор пайтида ўзини бардам тутгани тарихий манбаларда қандай бўлса, шундай кўрсатганман. Умуман, Темурийлар ҳақида шу қадар тўқима нарсалар кўпки, уларни мен мумкин қадар четлаб ўтдим ва манбаларда аниқ кўрсатилган фактларга асосландим. Ўйлайманки, китобхонлар бундай йўлни кўпроқ қадрлайдилар.

— Умр — карвон, бироқ одамда ёшлик эҳтироси ҳеч қачон сўнмайди. Ҳаётингиздаги энг бахтли чоғларингизни унутилмас эсдаликлари билан сирлашсак...

— Бундан эллик беш йил аввал мен 19 ёшли талаба бўлган кезларда газеталарга лавҳалар ёзиб юрардим. Ўша йилнинг август ойида ёшлар газетаси менга бир топшириқ берди.

Самарқандда 7-синфни битирган ўқувчи қиз Москвадаги гимнастика мусобақаларига қатнашиб, яхши баҳо олибди. Ҳозир шу қиз Чирчиқдан беридаги Троицк деб аталадиган спорт мактабида, тез бориб у билан суҳбат уюштириб келинг, дейишди. Юриб чарчамайдиган йигит пайтимиз. Ўша куниёқ айтилган жойни топиб бордим. Ўқувчи қизни чақириб беришди. Суҳбатлашдик. Гаплари маънили, ўзини катталардек вазмин тутади. Жуссаси кичикроқ, аммо пишиқ. Суҳбатимиз пайтида мактабни битирсам, балки Тошкентга ўқишга бораман, дегани ёдимда қолди.

1950 йили мен университетнинг 5-курсида ўқий бошлаган кунларим шарқшунослик факультетининг 1-курсига олтин медаль билан имтиҳонсиз кирган ёшлар даврасида ўша қизни кўриб қолдим.

Ўша йили кузда менинг "Студентлар" деган биринчи китобчам нашр этилди. Бу китобнинг тақдимотида сирли тилакларимга сабабчи бўлган ўша София исмли қиз ҳам иштирок этди.

Тақдир тақозоси деганлари шуми, балки тасодифдир, қарангки, келгуси 1951 йилнинг янги йил кечасини бўлажак умр йўлдошим София билан бир дастурхон атрофида кутиб олдик.

— Юқорида суҳбатимизни ёшларга бағишланган асарларингиздан бошлагандик. Устоз, 2008 йил "Ёшлар йили"га бағишлаб китобхонлар учун қандай туҳфа тайёрладингиз?

— Юқорида тўғри айтганингиздек, ёшлар — мен ёзган асарларимнинг бош қаҳрамонларига айланганлиги тасодиф эмас. Чунки келажагимиз ёшлар қўлида. Уларни қўллаб-қувватлаганимиз порлоқ истиқбол яратишнинг энг синалган воситасидир. Шу фикрлардан келиб чиқиб, шўро даврида ёзилган "Қадрим" деган қиссани қайтадан ишлаб чиқдим. Афсонани эслатадиган асардаги шиддатли воқеалар жараёнида қишлоқдан газ конларига келиб ишлаётган икки қалб — Искандар ва Зулайҳонинг мактабда бирга ўқиган пайтларидан бошланган муҳаббатлари халоскор бир кучга айланади. "Қадрим" қиссасининг янги нашри бугунги ёшларга ҳам ибрат бўлади, деб умид қиламан.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

Таҳририятдан: Муштарийларимиз ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Қадрим» деб номланган қиссасидан парчани газетамизнинг келгуси сонларининг бирида ўқишлари мумкин.

Мучалнома

Ҳар йилнинг ўз хислати бор

Инсон ҳаётида асрлар, йиллар, ойлар, ҳафталар ва кунларнинг аҳамияти катта. Шунинг учун кишилар ҳар бир йил, ой ва кунларни бирор-бир ном билан атаганлар. Бу, ўз навбатида, ўша йил, ой, ҳафта, кунларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан.

Йил ва ойлар кўпинча ҳайвонлар номи билан боғлиқ. Масалан, мучал йиллари: сичқон, йўлбарс, сигир, қуён, тўнғиз ва ҳаказо номлар билан аталган бўлса, ойлар номи асад (шер) тоғ эчкиси, қўзи, чаён ва бошқа хилда номланган. Мучалнинг туғилиши хусусида шундай тарихий ривоят мавжуд. Турк хоқонларидан бири Или дарёси бўйига кўчиб, қўним топган экан. У аъёнлари билан суҳбатлашиб ўтириб, қайси бир йилдаги воқеани эслабди ва бошқалардан бу ҳодисанинг аниқ қайси йилда рўй берганлигини сўрабди. Аммо аниғини ҳеч ким айта олмабди. Шунда маслаҳатлашиб, 12 бурждаги ҳар бир йилни бир ном билан аташга ва шу йўл билан йиллар ҳисоб-китобини аниқ юритишга қарор қилишибди. Йиллар тартибини белгилаш учун шундай йўл тутишибди. Ўнлаб ҳайвонларни тутиб, или дарёсига — сувга солишибди. Сувни энг авval туя кечиб ўтиб, нариги қирғоққа етибди. Унинг бошига эса сичқон чиқиб олган экан, у туя қирғоқда яқинлашиши билан ерга сакраб, биринчи бўлибди. Туя эса мучал ҳисобига кирмай қолибди.

Сигир, йўлбарс, қуён, балиқ ва ҳоказо 12 ҳайвон маррага етиб келишларига қараб, рўйхатга илинибди.

2007 йилда мучалнинг охири бўлган тўнғиз буржи ҳукм сурди. 2008 йилнинг 21 мартида у ўз ўрнини мучалнинг боши — сичқонбойга бўшатиб беради. Шарқ олимлари ҳар бир ҳайвоннинг хислати унинг номи билан юритиладиган йилга таъсир қилади дейишади. Эҳтимол, мучалнинг номланишида йилнинг қандай келиши акс этган бўлса. Чунки тарихдан маълумки, балиқ йилида ёғингарчилик кўп бўлган бўлса, илон йилида қурғоқчилик баъзан қаҳатчилик билан туташиб кетган. Қўй йили яхши келиб, сичқон йилида ғалла кўп бўлгани боис сичқонлар ҳам кўпайиб кетган ва ҳоказо.

Мучал йилларининг қандай келиши хусусида Хитой ва Тибет, Мўғул ва Ёқут, ҳинд ва араб, форс ва турк йилномачилари, олим-мунажжимлари кўплаб битиклар ёзиб қолдиришган. Бундай асарлар Умар Ҳайём ва Ал Ҳаким ат-Термизийда, Носир Хусрав ва Авҳаддиддин Анварийда, Руҳайда бинти Варроқ Термизий ва бошқа улуғ зотларнинг битикларида бор. Улар орасида, айниқса, Умар Ҳайёмнинг "Наврўзнома", Ал Ҳаким ат Термизийнинг "Солнома" (Йилнома) ва "Наврўзнома" асарлари машҳурдир. Масалан, термизлик буюк қомусий олим Ал Ҳаким ат Термизий ҳар икки китобини обҳавони, йилларнинг қандай келишини узоқ йиллик илмий кузатишлари, қуёш, ой ва сайёраларнинг ҳаракатларини, ўзидан аввал ўтган мунажжимларнинг асарларини чуқур ўрганиш асосида, барчасини умумлаштириб ёзганлигини таъкидлайди:

"Осмон ва юлдузлар, сайёра ва ёриткичлар ҳар қайсисининг чиқиш ва ботиш вақтида қайси фалакда ва бурждa туриши, қайси вақтда чиқиб, қайси вақтда ботиб, нимага далолат, қайси нарсани тарбият қилишини, қайси нарсага яхши ва қайси нарсага ёмон бўларини хўб яхши тажриба қилдим ва кўп машаққатлар тортиб, Наврўзи олам янги бўлиши бирлан шу йил ичинда бўладиган нарсаларнинг аломатларидан фаҳм қилиб, аҳволларидан хабар берур эрдим, то илми нужумни бир ҳафтага келтурдим ва ҳар кун аҳволи нечук бўлурини топдим ва тажриба қилиб, ушбу нусха китобни ёздим, токи мусулмонлар наф олсунлар.

Хусусан, деҳқонлар экинларни шунга қараб эксалар, биладурларки, бу йил қайси экин яхши бўлур ва қайси экинлар қиммат ва қайси ғаллалар арзон бўлур.

Ва аҳволи тоғ ва дашт ва аҳволи подшоҳ ва фуқаролар ва савдогар ва ханнот (дон олиб-сотувчи) ва чорванинг аҳволи йил бошида ўртаси ва охирида нечук бўлишини тажриба бўйича ёздим, токи ҳар ким ўқуса, тақвимга муҳтож бўлмас", — деб битади.

Агар сичқон йили кирса, ул йилнинг қиши хушлик бўлғай, лекин ёзда ёмғир кўп бўлғай. Чаҳорпо (ҳайвонлар)га хуш бўлғай, дарвиш, ғариб, фуқароларга ҳам хўш бўлғай.

Мағруб сари неклик (яхшилик) бўлғай, мағриб сари андак фитна бўлғай.

Ул йил бозургонлар (савдогарларнинг) ҳоли яхши бўлғай.

Ҳар фарзандки, йилнинг аввалида туғилса, зийрак, хуб сурат ва хушфеъл ва хушхўй ва давлатманд бўлғай.

Хуллас, халқимизда "Қари билганни пари билмас" деган гап бор. Ал Ҳаким ат-Термизий китобларида битилганлари ростдурки, мана у минг йилдан бери ўз қадр-қимматини йўқотмай, авлоддан-авлоднинг қўлига ўтиб келмоқда.

Муҳаммаджон АЗИМОВ



— Трамвайни анчадан бери кутяпсизми?
— Бултурдан бери...

Абдурасул ҲАКИМ чизган сурат.

Спорт

Максим Шацких яна биринчи!

Ўзбекистон Футбол федерацияси сайтининг ўтказган сўровнома натижалари эълон қилинди. Унга кўра, жами 575 очко тўплаган миллий терма жамоамиз сардори Максим Шацких республикамизда йилнинг энг яхши футболчиси деб топилди. Бунга унинг терма жамоамизда кўрсатган ёркин ўйинлари омил бўлди, десак янглишмаган бўламиз.



Украина чемпионатида тўп сураётган яна бир ўйинчимиз Виталий Денесов танловда иккинчи ўринни қўлга киритди. Сўровнома иштирокчилари унга 16 марта 1-ўринни, 29 марта 2-ўринни, 32 марта эса 3-ўринни беришни лозим кўрган. Унинг тўплаган очколари 331 тани ташкил этди. «Йилнинг энг яхши футболчиси» танловининг 3-ўрнини эса «Пахтакор» сардори Сервер Жеппаров эгаллади. Гарчи пойтахтликлар ярим ҳимоячиси 1-ўринда кўпроқ қайд этилган бўлса-да, қолган ўринларда Виталий кўпроқ овоз тўплашга эришди. Тўртинчи ҳамда бешинчи поғоналарни Азиз Ибрагимов ва Фарҳод Тожиевлар банд этишди.

Бир ой олдин Осиёда тенгсиз деб эътироф этилган Ўзбекистон Миллий терма жамоаси мураббийи Рауф Инилеев республикамизда ҳам энг кучли мураббий деб топилди. Унинг танловда тўплаган очколари сони 600 дан ошиб кетди.

Азим РЎЗИЕВ

Соат бонг урганда...

Янги йил байрамини ҳаммамиз иштиёқ билан кутамиз. Лекин кўпчилигимиз уни ҳар йили бир хил кутиб оламиз. Аслида бу ажойиб айёмни янада мазмунли ўтказишнинг кўплаб йўлларини топиш мумкин. Фақат бунинг учун фикр доирангиз ва ҳамёнингиз кенг бўлиши керак...

Масалан, франциялик ёшлар Янги йилни автобусда кутиб олишаркан. "Бунинг нимаси яхши" дейишга шошилманг. Чунки бу сиз билган йўловчи автобуси эмас. Тиниб-тинчимаган европалик ишбилармонлар уни анча ғаройиблаштиришган. Ундан ўриндиқлар олиб ташланиб, овоз кучайтиргич ва ёритгичлар, рангли экранлар, бар ҳамда рақс майдончалари билан жиҳозланган. Маҳаллий ёшлар бундай автобусларни "ғилдирак устидаги клуб" деб аташади.

Қолаверса, бу жуда ҳамёнбоп ҳам. Автобусга 30 киши бемалол сиғади ва шаҳар бўйлаб саёҳат ҳаражати кўпчиликка тақсимланади. Агар шундай сайрни кичикроқ даврада кутиб олмоқчи бўлсангиз, хизмат кўрсатувчи фирмалар «Лимузин» ва «Жип»-ларни ҳам жиҳозлаб беришар экан.

Янги йил байрамини Ердан юзлаб метр узоқликда кутиб олиш ҳам мумкин экан. Яъни ҳаво тўлдирилган шарда шаҳар оқшомини томоша қиласиз. Аммо бу ажойиб ғояни амалга ошириш бироз қийинроқ. Ҳаво шарини топиш мушкуллиги боис унга тўланадиган маблағ ҳам оз бўлмаслиги мумкин.

Мутахассисларнинг ҳисоблашларича, жаҳон миқёсидаги байрамларда энг кўп фойда кўраётган жойлар ресторан ва кўнгилочар клублар экан. Демак, дунёда кўпчилик Янги йилни ресторанларда кутиб олишни маъқул кўради. Бунинг моддий томонлари эса ҳар жойда ҳар хил. Масалан, Москва ресторанларида Янги йил кечаси киши бошига ўртача 60-70 минг сўмдан тўғри келса, Хелсинки ва Берлинда бу кўрсаткич бизнинг пулга 90-100 мингни ташкил этаркан.



Тошкент ресторанлари ҳам бу куни доим гавжум бўлади. Фақат нарх-наво бизда сал арзонроқ: бир кишига ўртача 30-40 минг сўм кифоя. Вилоят ва туман марказларидаги чойхоналаримиз эса янада ҳамёнбоп.

Янги йилни ҳаммом ёки сауналарда покланган ҳолда кутаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этар экан. Чунки бугун барча шаҳарларда бундай жойларни юзлаб топиш мумкин.

Тўғрисини айтганда, Янги йилдаги янги мақсадларга қушдай енгил бўлиб киришган яхши. Лекин ундан кейин олис сафарга отланмаслик керак. Йўқса, машҳур кинодаги каби адашиб кетишингиз ҳам мумкин.

Яна кўпчилик Янги йилни спорт билан ҳамнафас ҳолда кутиб олади. Бунга мисол қилиб, сузиш, отда сайр қилиш, боулинг ёки шахмат ўйнашни келтириш мумкин. Энг муҳими, бундай истакни амалга ошириш осон бўлиши билан бирга жуда арзон ҳамдир.

Янги йил оқшомини мазмунли, лекин мутлақо текин ўтказишни хоҳловчилар учун ҳам варианталар етарли. Ҳар бир байрамда маданият ва истироҳат боғларида, кинотеатр ва клубларда давлатимиз томонидан турли томошалар уюштирилади.

Сўровларда аниқланишича Янги йилда 61 фоиз киши ўз яқинларига кичик сувинерлар совға қилишаркан. Бундай совғаларга парфюмерия ва косметика маҳсулотларини танловчилар эса 30 фоизни ташкил этаркан. Шунингдек, кўпчилик замонавий кишилар танишларига CD ва DVD дискларни (10%) ҳамда мобиль телефонларни (7%) туҳфа қилишаркан.

Айём шукуҳи

Байрамни ким қаерда кутиб олиши суриштирилганда эса кўпчилик оила даврасини маъқул кўрган. Ўрта ҳисобда 54 фоиз кишилар шундай жавоб беришган. Бундай дамларда табиат қучоғини хуш кўрувчилар 14 фоизни ташкил этган. Байрамларни ресторан ва чет элда ўтказишни хоҳловчилар бир хил овоз тўплашган — 8%. Шунингдек, Янги йилни 49% одамлар отаонаси, 42% дўстлари ва 7% ҳамкасблари билан кутиб оларкан. 2% кишилар эса Янги йилдек ажойиб байрамни ёлғиз кутар эканлар.

Янги йил байрамини ҳамиша дўстлари даврасида кутувчи:

Анвар САМАДОВ тайёрлади.

Талаба хандалари

Аудиторияга бир талаба шошиб кирди-да, бақирди:

– Болалар битта яхши ва битта ёмон хабар бор, қайсидан бошлай?

– Аввал яхшисини айт.

– Домламиз Янги йил кечаси кўпроқ ичиб қўйибди, шунинг учун имтиҳон олишга келмас экан...

– Ура-а-а. Ёмони-чи?

– Ҳазиллашдим.

* * *

Талабадан сўрашди:

– Янги йилга Қорбободан қандай совға олишни хоҳлайсан?

– Стипендия.

* * *

Бир одам ёнидаги дўстидан сўради:

– Талабанинг доимо ёнида бўладиган энг яқин дўсти ким?

– Шуниям билмайсанми? Ахир бу ойлик йўл чиптаси-ку.

* * *

Ишга кетаётган домла хотинига деди:

– Хотин, кийимларимни тезроқ тайёрла.

– Анави, янги костюм-шимингизними?

– Йўқ, эскироғини. Бугун талабалардан имтиҳон оламан.

* * *

Янги йил кечаси олдиндан буюртма олган Қорбобо буюртмачиникига катта қоп кўтариб кирди ва қопидан кичик-кичик совғаларни олиб тарқата бошлади. Болаларнинг ичида дадилроғи сўради:

– Қорбобожон, нега совғаларингизнинг бариси кичкина?

– Эй болам, катта совғалар ҳам кўп эди. Лекин уларни солиқчиларга бердим.

Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ

HURRIYAT Mustaqil gazeta O'zingni angla!

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тел-факс: 133-36-02. Тел: 136-53-31, 136-53-38, 136-75-15

Реклама ва маркетинг бўлими: 136-56-38

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухоро — 8-365-715-30-57
Наманган — 8-369-412-31-54
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-335-10-22
Тошкент — 8-370-762-16-86
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-20-80
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Қорақалпоғистон — 8-361-55-428-97

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азир РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 16.00

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-55 Адади: 8356 1 2 3 4 5 7 8